

Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!

www.ishonch-doverie.uz

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri



Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2011-yil 23-iyun № 77-78 (2959) payshanba



**Жаҳон чемпиони
бўламан!**

Тошкент шаҳар касабա уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти кенгаши тасарруфидаги I ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиси Елена Егорова юртимизнинг истеъдодли спортчиларидан биридир. У 8 йилдан бери спортнинг бадий гимнастика тури билан шуғулланиб келмоқда. Елена келажакда мохир спортчи бўлиб етишиб, юртимиз байрогини жаҳон ареналарида янада баланд кўтаришни ўз олдиға мақсад қилган.

Икром ХАСАНОВ олган суратлар

Изчил ислохотларнинг юксак самаралари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 22 июн куни Қашқадарё вилоятига келди.

Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби Қашқадарё вилоятида ҳам кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Шаҳар ва қишлоқлар ободонлашиб, замонавий қиёфа касб этаётир. Янги корхоналар, таълим ва тиббиёт муассасалари, кенг ва равон йўллар, боғ ва хиёбонлар бунёд этилмоқда.

Қашқадарёда саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳалари жадал ривожланмоқда. Вилоятда жорий йилнинг биринчи чорагида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиши 105,9 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, пуллик хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқларда барқарор ўсиш таъминланди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасини босқичма-босқич ислох қилиш, фермер хўжаликлари экин майдонларини оптималлаштириш асосида йириклаштирилган, барқарор хўжаликларни шакллантириш натижасида самарадорлик изчил ўсмоқда, фермер хўжаликларининг молиявий-иқтисодий аҳволи тобора яхшиланмоқда. Пировардида қишлоқ аҳолисининг даромади ва турмуш даражасини ошириш, қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш, замонавий инфратузилмаларни шакллантириш имконияти янада кенгаймоқда.

Бугун вилоятда фаолият юритаётган 7139 фермер хўжалигининг ҳар бирига ўртача 102 гектардан ер майдони тўғри келади. Соҳада амалга оширилаётган изчил ислохотлар, фермерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган эътибор, яратилган шарт-шароит на-

тижасида рентабеллик ва қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ошди.

Президентимиз Ислам Каримов Қашқадарё бошоқли дон экинлари селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтида бўлиб, олимлар ва ёш илмий тадқиқотчилар билан суҳбатлашди.

Ўртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган мазкур институт маҳаллий тупроқ хусусиятлари ва иқлим шароитидан келиб чиқиб, суғориладиган майдонларда галла ҳосилдорлигини ошириш ва сифатини жаҳон андозаларига мослаштириш, сув тақчиллиги ва шўрга чидамли галла навларини яратиш, зараркунанда ва касалликларга қарши курашиш каби вазифаларни бажаради.

— Қашқадарё — катта иқтисодий салоҳиятга, улкан имкониятларга эга вилоят, — деди Президентимиз. — Ушбу институтни айнан Қашқадарёда ташкил этишдан кўзланган мақсад — ана шу салоҳиятдан самарали фойдаланиш, вилоятнинг ўзига хос тупроқ ва иқлим шароитини илмий асосда чуқур ўрганиш, ёш олимларнинг изла-нишлари учун кенг имкониятлар яратишдан иборат.

Ўздан зиёд олим ва илмий ходим меҳнат қилаётган мазкур институтда бугунги кунда бугуннинг худудлар тупроқ-иқлим шароитига мос, эртапишар, касалликлар ва зараркунанда-ларга чидамли навлари ўрганилмоқда. Қарши, Касби, Шахрисабз ва Қамаш туманларида тажриба майдонлари мавжуд. Институт олимлари томонидан яратилган «Туркистон», «Жайхун» ва «Яксарт» каби бугунги навлари

тўлиқ районлаштирилди.

— Бугунги ҳосилдорлигини ошириш билан бирга, ҳар томонлама сифатли галла навларини яратишимиз лозим, — деди Ўртбошимиз. — Ўтган йили мамлакатимизда 7 миллион 300 минг тонна галла етиштирилди. Ҳосилдорлик йил сайин ошиб бормоқда. Истиклолнинг ilk йилларида бор-йўғи 800 минг тонна галла етиштириб, четдан 5 миллион тонна бугунги олиб келган Ўзбекистон аллақачон галла экспорт қилувчи давлатлар сафидан жой олди. 2010 йилда 400 минг тоннадан зиёд галла экспорт қилдик.

Давлатимиз раҳбари институт олдида турган долзарб вазифалар ҳақида гапирар экан, ёшлар салоҳияти ва имкониятларидан кенг фойдаланиш, илмий излашлар учун уларга барча шароитларни яратиш, қишлоқ хўжалиги зараркунанда-ларига қарши биологик усулда курашиш самарадорлигини ошириш лозимлигини таъкидлади.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида спортни, хусусан, футболни ривожлантиришга қаратаётган улкан эътибор ўзининг юксак самараларини бермоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 19 январда қабул қилинган «2011—2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори мамлакатимизда футболни янада ривожлантиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Футбол бўйича мамлакатимиз олий лигасида Қашқадарёнинг уч жамоаси — Қаршининг «Насаф», Фузорнинг

«Шўртан», Муборакнинг «Машъал» жамоалари тўп сураётгани ҳам ана шундай доимий эътибор ва ғамхўрликнинг самараларидандир.

Давлатимиз раҳбари «Насаф» футбол клубининг Қарши шаҳридаги замонавий футбол базасини бориб кўрди. Футболчилар ва мураббийлар билан суҳбатлашди. Осиё футбол конфедерацияси кубоги баҳсларида яхши натижаларни қўлга киритаётган «Насаф» футбол жамоасини эришаётган ютуқлари билан табриклади.

— Шундай спорт турлари борки, унда спортчининг индивидуал маҳорати алоҳида аҳамият касб этади. Бироқ футбол — жамоавий ўйин. Унда жамоа аъзоларининг бирдамлиги, аҳиллиги, фидойилиги энг муҳим омилдир, — деди давлатимиз раҳбари.

Мамлакатимизда, жумладан, Қашқадарёда футболни ривожлантиришга қаратаётган алоҳида эътиборни «Насаф» клуби базасида яратилган шарт-шароит мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

— Мен Ўзбекистонда футбол жадал ривожланаётганига гувоҳ бўлдим, — деди «Насаф» футбол жамоаси бош мураббийи, украиналик таниқли мутахассис Анатолий Демяненко. — Бу Сизнинг спортни, хусусан, футболни оммалаштириш, ёшларни спортга кенг жалб этиш, болалар спортини ривожлантиришга қаратаётган улкан эътиборингиз самарасидир.

Президентимиз «Насаф» футбол клуби жамоасига замонавий автобус совға қилди.

**Воҳид ЛУҚМОНОВ,
Феруз ХОЛМИРЗАЕВ,
ЎЗА махсус мухбирлари**

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг Фарғона филиалига қарашли Қорақушчи почта алоқаси бўлими жамоаси аҳолига хизматларни намунали йўлга қўйган.

Аҳоли хизматида

Айниқса, ўтган йил якунлари салмоқли бўлди, 16,5 минг пенсионерга 24 миллиард 150 минг сўм пенсия пуллари тарқатилиб, даромадлар бўйича 104,3 фоизли натижага эришилди.

Аҳолидан турли коммунал тўловлар бўйича 1 миллиард 332 миллион сўмлик маблағлар йиғилиб, иқтисодий-иқтисодий ривожига салмоқли ҳисса қўшилди. Бундан ташқари, вақтли матбуот нашрларига обунани ташкил этишда барча бўлим ходимлари ташаббускорлик кўрсатишди.

Бошланғич касаба уюшмаси

қўмитаси билан тузилган жамоа шартномаси доирасида бўлимда ходимларнинг ижтимоий муҳофазаси, уларнинг унумли ишлари учун зарур шарт-шароитлар яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. 4 нафар хабарчиға велосипед, мусобақа голибларини рағбатлантириш учун 7 миллион 100 минг сўмлик мукофотлар берилди. Йил давомида барча ходимларга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилиш учун кўмаклашилди.

**Муҳаммаджон
МАҲМУДОВ**

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 2003 йилда Марказий Осиёда ягона Олий ҳарбий божхона институти ташкил этилди. Бу йил ушбу институтни муваффақиятли тамомлаган 121 нафар курсантга дипломлар топширилди ҳамда офицерлик унвони берилди. Мазкур воқеа муносабати билан ўтказилган тантанали тадбирда ёшларнинг мураббий ва устозлари, тегишли идора, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, битирувчиларнинг ота-оналари иштирок этди.

Суратда: тадбирдан лавҳа.



Асқар ЁҚУБОВ (ЎЗА) олган сурат

Юксалиш пиллапояларида

Сурхондарёда йирик саноат корхоналари анчагинани ташкил этади. «Ангор пахта» ОТХЖни ана шундай корхоналар сирасига киритиш мумкин. Бугунги кунда бу ерда 520 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг «2007-2011 йилларда пахта тозалаш саноати корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш дастури тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида бу ерда қайта куриш ишлари амалга оширилди ва бунинг учун 6 миллиард сўм маблағ сарфланди. Корхона қуввати йилга 45 минг тонна хомашёни қайта ишлаш даражасига етказилди. Бу ердаги эски ускуналар ўрнига замонавий техно-

логиялар ўрнатилди. Цехлар ихчам, иш унумдорлиги ва сифат кўрсаткичи юқори, электр энергия ва бошқа сарф-харажатларни тежайдиган асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Сменада меҳнат қиладиган ишчи-хизматчиларга хизмат кўрсатадиган ошхона, сауна, дам олиш хоналарида ҳамма қулайликлар яратилди.

Корхона маъмурияти уйда ўтирган қишлоқ аёлларини иш билан таъминлаш мақсадида касаначиликка эътиборни ку-

чайтирмоқда. Ўтган йили Раъно Жумақулова етакчилигидаги 54 нафар касаначи хотин-қиз пахтали матолардан корхона ишчилари ва ишлаб чиқариш жараёни учун зарур бўлган 9,5 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлашди.

Термиз шаҳридаги «Шиндонг Спиннинг Термиз» ўзбек-корейя қўшма корхонасини ҳам воҳадаги етакчи йирик корхоналар қаторига қўшиш мумкин. Айни пайтда бу ерда Тер-

миз шаҳри ва туманидан 400 нафар ёш меҳнат қилмоқда.

Корхонада 5 та цех бўлиб, ишчилар асосан пахта толасини титиш-савалаш, плиталаш, йигириш, калавалаш ва қадоқлаш билан шуғулланишади. Иш уч сменада. Шартномага кўра «Музработ пахта» ОТАЖдан тайёрланган пахта келтирилиб, кунига 9300 килограмм тола қайта ишланади.

Жорий йилнинг октябр-ноябр ойларига бориб, корхонанинг маҳсулот чиқариш ҳажми янада ортади. Чунки кунига қўшимча 7200 тонна пахта толасини қайта ишлайдиган дастгоҳлар ўрнатилиб, янги линия ишга туширила-

ди. Ҳозирда Жанубий Корейдан умумий қиймати 2 млн. АҚШ доллари миқдоригаги жиҳозлар келтириш режалаштирилган. Корхонанинг иккинчи линияси ишга тушса, яна 150 та янги иш ўрни яратилади.

Меҳнат унумдорлигини ошириш учун ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш, рағбатлантириш, маошларини ўз вақтида бериш ва бошқа қулайликлар яратилган. Сменада ишловчиларга ошхонада белул сут, қатик, иссиқ овқат берилаяпти. Корхона тасарруфидаги автобуслар ишчиларга хизмат қилади. Йигирилайтган калава иплар Жанубий Корейдан ташқари Хитой, Россия, Туркия, Эрон сингари давлатларга экспорт қилинмоқда.

**Рустам ДАВЛАТ,
«Ishonch» мухбири**

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ: инсон манфаати йўлида

Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ва касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ўртасида 2011-2013 йиллар учун тузилган минтақавий келишувдаги вилоят ҳокимлиги мажбуриятларига ходимларнинг ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ бандлар киритилди.

Ҳамкорлик қирралари

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлимида меҳнат хавфсизлиги даражасини юксалтириш, иш жойларининг санитария-гигиена ҳолатини яхшилаш, иш ўринларини аттестациядан ўтказиш, ходимларни меҳнат муҳофазаси қоидаларига ўқитиш, зарарли ва хавфли иш шароитларида банд бўлган ходимларни белгиланган меъёردаги озиқ-овқат турлари, ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаш кўзда тутилган.

Ҳужжатдаги ижтимоий кафолатлар, маданий, маърифий, жисмоний тарбия, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш йўналишлари ҳам қатор чора-тадбирлар билан бойитилди. Бундан ташқари, ижтимоий инфратузилмани, айниқса, қишлоқ жойларида ривожлантириш, коммунал хизматлар соҳасида нарх-навоининг шаклланишини, жамоат транспорти ишини назоратга олиш, корхоналарда жамоа шартномаларини тузиш ва унинг бажарилишини таъминлаш сингари кўплаб вазифалар белгиланган.

Шунингдек, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ва вилоят истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмасининг 2011-2012 йиллар учун қабул қилинган қўшма тадбирлар режаси яқин ҳамкорликка йўл очди.

Эндиликда ҳудудий бирлашмага иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар кечиктирилганлиги, ишга қабул қилиш ва бўшатиш ҳамда бошқа масалалардаги камчиликлар бевосита касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кўмагида бартараф этилади.

Ўз навбатида, савдо шохобчаларининг асосий маҳсулотлар (ёғ, ун) билан таъминланганлик даражаси, коммунал хизмат кўрсатиш идоралари фаолияти, умумий овқатланиш, чакана савдо соҳалари ва пластик карточкалар воситасида тўловларни амалга оширишдаги камчиликлар ва бошқа муаммолар бўйича касаба уюшма органларига тушган мурожаатлар тааллуқлигича истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси, туман (шаҳар) жамиятларига кўриб чиқиш учун тезкор тақдим этиб борилади.



Унда долзарб вазифаларга бағишланган маърузалар тингланди. Шунингдек, тингловчилар амалий машғулотлар ва Китоб туман 4-умумий ўрта таълим мактаби касаба уюшма ташкилоти тажрибаси билан танишиш жараёнида кўп нарса ўрганди.

Шаҳрисабз туманининг сўлим Лолистон қишлоғида жойлашган Таълим ва фан ходимлари вилоят кенгашига қарашли Йўлдош Охунбобоев номидаги болалар оромгоҳида бу йил муассислар ҳомийлигида 96 ўринли янги бино фойдаланишга топширилди.

— Биринчи навбатда оромгоҳга вилоят педагог ходимларининг 259 нафар фарзандини қабул қилдик, — дейди оромгоҳ директори Қахрамон Ҳалимов. — Тарбиячи-етакчилар ўғил-қизлар вақтининг мазмунли ўтишига ҳисса қўшмоқда. Уларга қунига тўрт маҳал таом тайёрланади. Тажрибали шифокор Мурод Сатторов ва ҳамшира Юлдуз

«Қашқадарё соҳили» сихатгоҳида Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан ташкил этилган минтақавий ўқув-семинар бошланғич ташкилот етакчилари учун ҳар томонлама фойдали бўлди.

Зиё аҳлига эътибор

Пўлатова болалар саломатлигига масъул.

Йил бошида оромгоҳ ҳудудида таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши ва туман бирлашган кўмиталари, Ёшлар кенгаши ўз боғларини барпо этди. Хилма-хил мевали дарахт кўчатлари ўтказилди. Ўтказилган 1700 туп мевали ҳамда 650 туп манзарали дарахт ниҳолларининг аксарияти бугунги кунда баравж ривожланмоқда. Дарахтлар оралигига картошка, қовоқ ва бошқа сабзавотлар экилди.

Қарши Давлат университетида 5972 нафар талаба таълим олишнинг кундузги шаклида ва 200 нафари махсус сиртқи ҳамда 64 нафар ёш магистратура йўналишида таҳсил олмақда.

Ижтимоий шериклик таъминини асосида ходимлар ва талабаларнинг ижтимоий-иқтисодий, интеллектуал ҳамда таълим олишдаги

ҳуқуқий манфаатлари ҳимояланаяпти. Жумладан, иш ҳақи ва бошқа тўловларнинг вақтида тўланиши, Меҳнат кодексини ва университет ички тартиб-қоидаларига амал қилиниши назорат этилмоқда. Шунингдек, талабаларнинг спорт билан шуғулланиши учун шароит яратилган.

Яна бир муҳим жиҳат, педагогик фаолиятни илмий иш билан бирга олиб бораётган ходимларга номзодлик ва докторлик диссертацияларини яқунлаш, шунингдек, дарслик ва ўқув-услубий қўлланмалар ёзиш учун ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ижодий таътиллаб бериб борилади.

Университет маъмурияти, ходимлар ва талабалар касаба уюшма кўмиталари ўртасида 2011-2013 йилларга мўлжаллаб тузилган жамоа шартномаси бу борада қўл келмоқда.

Вилоят «Автотеххизмат» очик акциядорлик жамиятининг иқтисодий салоҳиятини йилдан-йилга ошаяпти. Масалан, 2009 йилда 4634 та автомобил сотилган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич қарийб икки баробарга ўсди.



Ғамхўрлик ва самара

Жамият касаба уюшма кўмитаси ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, техника хавфсизлигини таъминлаш, жисмоний тарбия ва спортни омдалаштириш, меҳнатга ҳақ тўлаш, бандликка кўмаклашиш каби қатор йўналишлар бўйича самарали фаолият олиб бормоқда.

— Косон саноат, Қарши қурилиш ва политехника, Миришкор

саноат касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари корхонамизда амалиёт ўтаб, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бўйича билимини оширишмоқда, — дейди жамият касаба уюшма кўмитаси раис ўринбосари Шохиста Жўраева. — Шунингдек, биз уларнинг иш билан таъминланишига кўмаклашамиз.

Кичик бизнес ва хусусий тад-

биркорлик йилида машина-трактор паркларидида «Агротехсервис» масъулияти чекланган жамиятлари очилиб, кўплаб янги иш ўринлари яратилаяпти. Автомобилларга сервис хизмати кўрсатиш шохобчалари, масъулияти чекланган жамият негизидида турли ёрдамчи хўжаликлар ташкил этилмоқда.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Газчилар гулшани

«Жанубгазтаъминот» унитар корхонаси касаба уюшма кўмитаси таркибидида 32 та цех бўлиб, аъзолар сони 2700 нафардан ортади.

Корхонада хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, иш жойларини аттестациядан ўтказишга катта эътибор қаратиляпти. Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишда касаба уюшма кўмитаси ҳузуридаги комиссия ва 32 нафар сайланган жамоатчи вакиллар, шунингдек, корхона ҳамда филиаллардаги меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси муҳандислари фаоллик кўрсатмоқда.

2010-2012 йилларга тузилган жамоа шартномасининг 2010 йилда бажарилишига бағишланган конференцияда ҳам юқоридаги масалалар атрофича таҳлил қилинди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида унитар корхонамиз ишчилари Яқкабоғ тумани Жуман Мухлиев мавзеси Қозоқ қишлоғидаги 10 гектар ерга «Юртимни обод этаман!» шиори остида боғ ташкил этишди. Боққа 5142 дона мевали ва манзарали дарахт ҳамда гул кўчатлари ўтказилган бўлиб, улар ҳозир гуркираб яшнамоқда.

Уч йилки, Китоб туманида маҳаллий газчиларимиз томонидан асаларичилик ҳам йўлга қўйилган.

Рустам МУРОДОВ,
«Жанубгазтаъминот» унитар корхонаси касаба уюшма кўмитаси раиси

Касабақўм ҳаётидан бир лавҳа

Касабақўм жамоа шартномасидан бир нусха олиб, идорадан чиқайтиб йўлақда корхона раҳбари Эштемир Сафаровни учратди. Ҳол-аҳвол сўрашиб, бошлиқнинг хонасига киришди.

— Хўш, касаба уюшмасида нима янгиликлар бор? — сўради раҳбар.

— Ҳозиргина кўмита аъзолари билан жамоа шартномасини қайта кўриб чиқиш, янги бандлар билан тўлдириш ҳақида келишиб олдик, — деди у. — Тўпланган таклифларни биргалиқда умумий йиғилиш муҳокамасига киритамиз.

Э.Сафаров касаба уюшма кўмита раисининг фикрини қувватлади. Баҳодир Қулбулов бошлиқ ҳузуридан чиқиб, 194-йўл бўлими ҳудудида жўнади. Корхона тасарруфидидаги ҳудудда йўл узунлиги 305 километрни ташкил этиб, «Қарши-Самарқанд», «Қарши-Чим-

Қалбларга йўл топиб ...

Шаҳрисабз, «Яқкабоғ-Чироқчи», «Чироқчи-Бешлерак-Китоб» ҳамда Чироқчи тумани марказини тоғли ҳудуд билан боғловчи йўллардан иборат. «Чироқчи-Қалқамма-Торжилга», «Уйшун-Оқюва», «Чироқчи-Дурсун-Қорателпақ», Чироқчи тумани марказий айланма йўли назорати Баҳодир зиммасида. У «Қалқамма-Торжилга» участкасига борар экан, йўлдаги чуқурларни ямаб чиқайтиш ишчилардан аҳвол сўраб, йўлда давом этди...

Институтни тугатгач, қўриқ туманлардан бирида ишлаб анча тажриба орттирган Баҳодир Қулбулов 1999 йилда Чироқчи тумани йўл хўжалиги пудрат таъмир-


лаш корхонасида йўл устаси вазифасида иш бошлади. Ўзига топширилган ишни бекаму кўст уддалайдиган, ташкилотчи ва фаол Баҳодирни 2003 йили касаба уюшма кўмитаси раислигига сайлашди. Унинг таклифи билан жамоа шартномасига узоқ участкаларда ишловчи ходимлар учун иссиқ овқат ташкил этиш, Муборак туманидаги санаторий-профилакторийда хоҳишига қараб соғломлаштириш, ёш оилаларга уй-жой қуришда корхона ҳисобидан кўмаклашиш, иш жойларида ётиб ишловчиларнинг оилаларига моддий ёрдам кўрсатиш, баҳор ойларида махсус кий-

им-бош билан таъминлашни 2 мартага кўпайтириш ҳақида бандлар киритилди.

Мана, қарийб 8 йилдан буён ходимлар жамоа шартномаси орқали ана шу тарзда қўлаб-қувватлаб келинаяпти. Бундан ташқари, ишчи-хизматчилар, пенсиядаги фахрийлар ҳар йили август ойининг иккинчи шанбасида йўл хўжалиги ходимлари касб байрами муносабати билан энг кам иш ҳақининг бир баробари миқдоридида рағбатлантирилади. Ҳар йили қишда йўлчилар бир марта махсус кийим-бош билан тўлиқ таъминланаяпти.

Халқимизда «Йўл чиқариш, кўприк қуриш савобдир» деган гап бор. Ана шундай шарафли касб эгаси Б.Қулбулов эса одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу ишларга бошлаш, эл-юрт равнақи йўлида меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларни қўлаб-қувватлаш борасида ҳам камарбаста.

Исмаил ОЧИЛОВ



Эътибор ва меҳрдан

Хоразм вилоятида «Ishonch» ва

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Хоразм вилояти тараққиётига алоҳида эътибор билан қараб келади. Буни Юртбошимизнинг мустақиллик йилларида Хоразмга ташрифи хронологиясини варақлаб ҳам аён кўриш мумкин. Давлатимиз раҳбарининг воҳага ҳар бир сафари бунёдкорлик ишларининг қутлук дебчаси ва улугвор якуни билан бевосита боғлиқ бўлган даражада янгиланган Урганч аэровокзали шу кунларда яна қайтадан таъмирланмоқда. Ундан шаҳар марказигача чўзилиб кетган йўлнинг икки чеккаси катта қурилишлар ҳавозасини эслатади. Ҳа, Урганч шаҳри, бутун Хоразм вилояти Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллигини муносиб кутти олишга қизгин тайёргарлик кўрмоқда.

— Севимли газетамиз йўлланмаси билан келган сиз азиз меҳмонларнинг қадамларингиз қутлук келди — бугун галла ўримини (15 июн куни) бошладик, — дея Урганч-Янгибозор йўлининг 12-километрида бизни қарши олди Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг раиси Раҳимберган Матрасулов. — Иккинчи янгилик — Амударёда сув кўпайиб, бугун янгибозорлик деҳқонлар гўзага биринчи сувни олдилар.

Секин йўл четига пахтазорга серсолдик. Жазирама офтобда ҳансираб ётган гўзалар «сув-сув» деяётгандай шабодада ҳорғин чайқалар эди. Бу йил ҳам хоразмлик деҳқонларга осон бўлмас эканда, деган ўй хаёлимиздан кечди ва уларга дил-дилдан омад тилаб, сафаримизни давом эттирдик:

Бизнинг Хоразм воҳасидаги учрашувларимиз Янгибозор туманидаги «Шунқор» оромгоҳидан бошланди. Бир кун аввал бизнинг келишимиздан хабар топиб, интернет орқали ҳар биримиз ҳақимизда ётарлича маълумот тўплаб, ҳатто дам олаётган болаларни қимлигимиз, нималар ёзганимиздан хабардор қилишга улгургани вилоят болалар футбол мактаб-интернати қошида ташкил этилган ушбу оромгоҳ тарбиячиларининг шу куннинг талабидан нечоғлиқ ўзлаштириб олганлигидан далолат беради, албатта.

Оромгоҳга мактаб-интернат директори, воҳанинг таникли полвони, Хамробек Бектемиров раҳбарлик қилар экан. Бу даргоҳдан жаҳон чемпиони, мамлакат чемпиолига етишиб чиққани, унинг тарбияланувчилари ва туман спортчилари республика мусобақаларида 15 та олтин, 12 та кумуш ва 10 та бронза медалига сазовор бўлгани, бугун «Тумарис» қизлар футбол командаси Андижон шаҳрида вилоят шарафини ҳимоя қилиши, унинг таркибда мамлакатимиз терма командасига номзодлар борлигини мактаб директоридан билиб олдик.

... Оромгоҳга киришингиз билан Хоразм гужумларининг салқин ҳавоси димоққа урилади. Ҳовлидан бошланган саранжом-саристалик ҳар бир хонани қамраб олган. Барча анжомлар — ётоқхона мебеллари дейсизми, ошхона жиҳозлари, кутубхона, клуб, спорт залидаги шарт-шароитлар болажонларга хуш кайфият улашиш мақсадида дид билан жойлаштирилган. Билимли ва ташкилотчи тарбиячилар болалар бошида парвона. Шифокор хонасида энг зарур дори-дармонлар гамланган. Ҳар навбатда 130 тадан, мавсум охиригача 400 та болани соғломлаштириш ишлари қизгин давом этаётди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, дам олувчилар даврасидаги мушоирада ўзимизни таништириб ўтиришнинг ҳожати бўлмади: Мустақиллик, ватан ва юрт шаънига бағишланган, мардликка, фидойиликка чорловчи шеър-қўшиқларни уларнинг тилидан эшитиш чиндан ҳам завқли эди. Мана улардан бири:

**Пайдо бўлибдики, бу кўҳна дунё
Замину фалақда янграр бир нидо,
Олам тусланар,
У турланмас асло —
Ватан ягонадир,
Ватан ягона!**

**У — сенинг мужгонинг, қароғинг, кўзинг,
У — орзу армонинг, у — айтар сўзинг,
Йимонинг, виждонинг, у — сенинг ўзинг,
Бобонг-у, момонг-у, у — мунис она —
Ватан ягонадир,
Ватан ягона!**

**Ёнарми пилиги чириган зирок?
Яшнарми бандидан узилган япроқ?
Фақат қиндик қони тўқилган тупроқ
Инсонга мухташам кўргон, қошона —
Ватан ягонадир,
Ватан ягона!**

**Ким икки Ватанни қилибди даъво,
Ул кас беватандир, у — ватангадо!
Ишониб бўлмайди ул касга, илло —
Ватан ягонадир,
Ватан ягона!**

**Кўш кемани тутган хор бўлар бир кун,
Бир қатра меҳрга зор бўлар бир кун,
Алангага қўнган қор бўлар бир кун,
Ватаним, жонингга жоним қурбон-а! —
Ватан ягонадир,
Ватан ягона!**

**Ягона юрт дея олурмиз нафас,
Шу юртга фидодир бор орзу-ҳавас,
Юртим!**

**Қайси ганим сенга қилса қасд,
Унга мазор бўлмай ҳар бир остона —
Ватан ягонадир,
Ватан ягона!**

Шу учрашувда Янгибозор туман касаба уюшмалари ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси Райимберди Шерзонов туман тарихи, машҳур кишилари, шу кунларда деҳқонлар ва тадбиркорлар амалга ошираётган ишлар ҳақида гапириб, бу даврада уларнинг муносиб ворислари борлигини мисоллар билан кўрсатиб ўтди.

Айниқса, бирлашма кенгаши раиси Раҳимберган Матрасуловнинг болаларбоп маърузаси ҳатто бизни ҳам бундан кейин болалар билан қандай гаплашишга ўргатди, десак янгилимаган бўлаемиз.

Болаларнинг янгрқ овозида жаранлаган шеър-қўшиқлар, чаққон рақслар, улар чизган расмлар, хунармандчилик намуналари руҳини баланд-баланд осмонларга олиб учди. Беихтиёр ўйлаб қолсан: бундай шодон кайфият Хоразм вилоятида яна қанча оромгоҳларда ҳукм сурмоқда экан?

**Фикримизни уққандай, Раҳимберган
Матрасулов йўл-йўлакай бу соҳада
амалга ошириляётган ишлар ҳақида гапириб берди:**

Бу йилги ёзги мавсумда Хоразм вилояти бўйича жами 40 та болалар ёзги оромгоҳи фаолият кўрсатмоқда. Уларда 12070 нафар болажонлар соғломлаштирилади. Жумладан, касаба уюшмалари маблағи ҳисобидан 20 та болалар оромгоҳларида 5200 нафар ўғил-қизларимиз дам оладилар. Республика ҳукумати ҳамда Болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича Республика доимий Комиссиясининг қарорига асосан вилоятдаги кўп болали, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари ва «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиларидан 1500 нафари Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё вилоятининг сўлим оромгоҳларида соғлигини мустаҳкамлаб қайтадилар. Айни пайтда вилоят ҳокимлиги ва касаба уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси «Автомобилчи», «Соғлом авлод» типидagi намунали оромгоҳларни янада кўпайтириш чораларини кўришмоқда.

«Маҳорат мактаби»даги давра суҳбати

Вилоят Маънавият марказининг кошонаси ҳар куни турли мулоқот ва учрашувларга гувоҳ бўлади. Бу гал унинг мухташам залида бизни «Тумарис авлоди» газетаси бош муҳаррири Шарқия Эшжонов ва раҳбарлигидаги «Маҳорат мактаби» аъзолари қарши олишди.

Гумбазлари-ю, мрамар устунлари хоразмлик меъморларнинг нақшу нигорлари билан сайқалланган чор қирра анжуманий суҳбатлар залининг олд томонида воҳанинг ёш ижодкорлари, орқароқдан Ошиқ Эркин бошлиқ танилган қаламкашлар жой олишган.

Аввало, ушбу учрашувга мезбонлик қилганлар ҳақида:

«Тумарис издошлари» журналист аёллар клуби қошида ташкил этилган «Маҳорат мактаби» 2007 йилнинг октябр ойида ўз фаолиятини бошлаган эди. «Маҳорат мактаби»да асосан «Ёш муҳбир», «Ёш шоир», «Ёш рассом-дизайнер», «Ёш ўлкашунос-тарихшунос» тўғрақлари мавжуд. Шу ўтган 4 йил давомида «Маҳорат мактаби» аъзолари учун муваффақиятлар йили бўлди. Дастлаб вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида Сайёр гуруҳ сифатида иш олиб борган бу «Маҳорат мактаби»да ўнлаб истеъдодли ўғил-қизлар етишиб чиқди. Хусусан, Ёрқиной Эрнарзорова, Гулноза Умирова, Гўзал Ўзбековалар Зулфия номидаги Давлат мукофотини олишга дастлаб мана шу даргоҳда ўз ижодлари билан қатнашиб, замин яратдилар. Иқлима Матқурбонова ва Ҳилола Машариповалар Зулфия номидаги Давлат мукофотининг вилоят босқичига сазовор бўлишди. Муштарийбегим Сейтматова «Келажак овози», Рисолат Искандарова, Шахноз Рўзमतова, Тўхтажон Полвонова, Ойдиной Абдушарипова, Мумтозбегим Абдушарипова, Мухаммадали Бахтиёрлар «Янги авлод» республика болалар ижодиёти фестивали ғолиби ва грант соҳиби бўлишди.

Бугунги кунда «Маҳорат мактаби»ни муваффақиятли ўтаган ёш ижодкор — муҳбир Нилуфар Ражабова 8 ТВ студияси ва «Гурунг» газетаси ходими сифатида самарали фаолият кўрсатмоқда. Адҳамбек Пирназаров, Дилрабо Шокирова, Жаҳонгир Норматов, Зулфия Отабоева, Динора Сафоева, Биллурой Давронбекова, Раҳматулла Жумагалдиев, Меҳрибон Озодова, Юлдуз Абдуллаева, Дадахон Реимбоев, Насибхон Эшжонов, Садоқат Зарипова, Фазилят Раҳмонова, Донохон Рустамбоева, Нурия Матқубова, Шайдо Комилова, Ойша-жон Рўзमतова ва Маҳлиё Собировалар «Маҳорат мактаби»нинг фаол аъзолари сифатида «Тумарис авлоди» газетасининг ўқимишли ва қизиқарли бўлиб чиқши учун ўзларининг шеър ва мақолалари билан фаол иштирок этиб, газетхонларнинг хурмат-эътиборини қозониб келмоқдалар.

Эндиликда «Маҳорат мактаби»да устоз-шоғирдик аънавалари кенг ривож топмоқда. Айниқса, Адҳамбек Пирназаров, Дилрабо Шокирова, Жаҳонгир Норматов, Юлдуз Абдуллаева, Гўзал Жуманиёзова, Зулфия Отабоева ва Меҳрибон Озодовалар газетлада ёш муҳбир сифатида ўзларининг маҳоратларини намойён этишмоқда.

«Маҳорат мактаби» аъзолари 2008 «Ёшлар йили»да «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарида эълон қилинган «Мен-ёшликман» танловида республикада биринчи ўринни қўлга киритишди. 2009 йил «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»да «Тонг юлдузи» республика газетасининг дипломи билан тақдирланишди. 2010 йилда «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарида эълон этилган «Ижодкор, бунёдкор, ихтирочи ва ташаббускор авлод — тараққиётимиз таянчи» республика танловида рағбатлантирувчи мукофот ва сертификат билан тақдирландилар.

«Ижод гулдастаси» номи ёшлар альманахида «Маҳорат мактаби»нинг 40 нафардан зиёд аъзосининг шеърлари, мақолалари ва тарихий публицистик мақо-

лалари, ривоятлари чоп этилган. Шунингдек, китобда Хоразм вилоятидан Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган қизларимиздан 10 нафарининг ижоди ва фаолиятлари ёритиб берилди.

Уйлаимизки, «Маҳорат мактаби» аъзоларидан келажакда кўплаб таникли шоир, муҳбир ва рассом-дизайнерлар ўлкашунос-тарихшунослар этишиб чиқади. Зеро, «Маҳорат мактаби» аъзоларининг шиори шундай: «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам».

Дарҳақиқат, ушбу тўпламдан жой олган хивалик Онабиби Каримова қаламига мансуб куйидаги самимий мисралар ҳар бир ўқувчига кўп яхши нарсаларни ваъда қилар эди:

**Узун сочи толим-толим ярашган,
Одобига ҳайратланиб қарашган.
Барчин бўлиб ор-номусга талашган,
Фаришта Сиз, ўзбегимнинг қизлари.**

**Ҳовлисига сув сепади азонда,
Бир қарасам ошхонада пазонда.**

**Бордим, кўрдим — сиздай қиз йўқ жаҳонда,
Фаришта Сиз, ўзбегимнинг қизлари.**

Юртбошимиз томонидан ижод аҳлига кўрсатиляётган ғамхўрликлар, «Ижод» фондининг ташкил этилиши, ундаги иқтидорли ёш қаламкашларнинг илк тўпламларини фонд ҳисобидан чоп этиб беришга доир бандлар атрофида билдирилган фикрлар давра суҳбатининг етакчи мавзуси бўлди. Дарвоқе, ушбу учрашувда «Ижод» фонди шафелигида яқинда «Дўрмон» қароргоҳида ўтган ёш ижодкорларнинг республика семинарида иштирок этган қаламкашлар ҳам иштирок этаётган экан. Суҳбатлар қизлар мушоирасига уланиб кетдики, унинг таърифни баён этмоққа шоир айтгандек, мингта Фирдавсий керак бўлади.

— «Маҳорат мактаби»миз «Ishonch» газетасининг кўплаб-қувватлаши туфайли шу даражага етганлигини қайта ва қайта таъкидлашмасликнинг иложи йўқ, — дейди Шарқия Эшжонов. — Ўғил-қизларимизнинг илк ижод намуналарига газета саҳифаларидан жой ажратилиши, фаолиятимизни янада кенгайтириш учун грант берилиши, ҳар бир катта-ю кичик ютуғимизнинг газетлада эътироф қилиб борилиши бизга қанот бағишлайди. «Ishonch» газетаси йўлланмаси билан бир гуруҳ ижодкорларнинг бугунги ташрифидан ёшларимизнинг боши кўкка етди.

Учрашувда иштирок этган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Раҳимберган Матрасулов касаба уюшмалари ҳам бу иқтидорли ёшларни кўплаб-қувватлашга ҳар доим тайёр эканлигини қайд қилиб, уюшма совғаларини топширди. «Ishonch» газетасининг 20 йиллиги муносабати билан чоп этилган «Қалб ва қалам билан 20 йил» китобининг тақдим этилиши ёш ижодкорларга ўзига хос тўхфа бўлди.


**Барчиной МАШАРИПОВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси Қонунчилик палатаси
депутати:**

— Хоразмда ўтказилган «Ishonch» газетаси кунларида иштирок этганимдан хурсандман. Мен ҳам шу газета мухлисларидан бириман. Пойтахтдан келган ижодкорларимизнинг ёш қаламкашлар билан самимий мулоқотига қулоқ тутар эканман, болажонларимиз кўзларидаги ҳайрат, қалбларидидаги ҳаяжон вужудимни қамраб олди. Бизни бу даврага бирлаштирган нарса Ватанга, юртга бўлган меҳр, шу она замин олдидаги қарздорликдир.

Истиқлол йилларида кўлга киритилган муваффақиятларни далиллаш учун кўп мисол керакмас. Биргина факт, мустақиллик йилларида инсонларнинг ўртача умр кўриш кўрсаткичлари ошганлигининг ўзидек республика раҳбариятининг фуқаролар тўғрисидаги ғамхўрлигидан, амалга оши-

ЁШЛАР АЛЬМАНАХИ

ИЖОД
ГУЛДАСТАСИ



МУНАВВАР ВОҲА

«Ishonch-Доверие» газеталари кунлари

рилаётган ислохотлар самара бераётганидан, Юртбошимизнинг «Инсон ислохот учун эмас, ислохот инсон учун» деган эътирофлари амалда тасдиғини топаётганидан нишонандир.

Комил НУРЖОНОВ,
Ўлкашунос, журналист, «Олтин мерос» жамғармаси Хоразм вилояти бўлими раҳбари:

— Мамлакатимиз муस्ताқиллигининг 20 йиллиги арафасида кўплаб учрашувларда, давра суҳбатларида иштирок этаяпман. Уларда юртимиз тарихи ҳақида мароқ билан гапирарканман, қалбимда фахр, ифтихор туйғулари янада жўш ураверади.

Шу кунларда биз ўлкашунослар, тарихчилар, археологлар хайрли бир ташаббусни амалга ошириш илинжида юрибмиз. Хазорасп қалъасининг 3000 йиллик тарихга эгалигини илмий далиллар ёрдамида асосладик. Эндиликда унинг ЮНЕСКО томонидан эътироф этилишига эришмоқчимиз.

Мен ўлкашунос сифатида Хоразмнинг 2500 йиллик тарихини пухта ўрганишга ҳаракат қилдим. Ўрганганларимни китобларимда, мақолаларимда акс эттирдим. Шу жараёнда бир нарсага гувоҳ бўлдимки, шоир ва ёзувчилар, ижодкорлар ҳар доим халқ билан ҳокимият ўртасида кўприк вазифасини ўтаб келган.

Бугунги суҳбат кўпгина янгиланишларга хизмат қилиши аниқ. «Маҳорат мактаби» аъзолари Хоразм тарихини ёзувчи, яратувчи ёшлардир. Уларга парвозлар тилайман.

Шарқия Эшжоннова суҳбатларимизда «Ishonch» газетасининг эътибори ҳақида кўп гапирди. Ушбу эътибор самарасиз кетмаслиги аниқ.

Учрашувдан чиқиб, шеърий кайфият, ижодий илҳом оғушида Хоразм вилоят касабаси уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси биносига йўл олдик. У ерда бизни касабаси уюшма фаоллари кутиб туришган эди. Биз олдин ҳам бу ерда бўлган эдик. Очиғи, бу бинони танимай қолдик. Унинг замонавийлаштирилган ташқи қиёфаси, ичкарисидаги салобат касабаси уюшмаларининг ҳозирги мавқеига мос тушган ва кишида «бу жойнинг эгаси бор экан» деган кайфият уйғотар эди.

Касаба уюшмалари ислохотларда фаол иштирок этмоқда

Истиқлол йилларида Хоразм воҳаси қиёфаси тубдан ўзгарди. Бир-бирдан кўркам иморатлар барпо этилди. Бу иморатлар юрт кўрқига кўрқ қўшибгина қолмасдан, воҳада ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, аҳоли саломатлигини муҳофаза этишга, ёш авлодга таълим-тарбия беришга хизмат қилмоқда.

«Хоразм шакар», «Хоразм гиламлари», «Богот текстил», «Даритал», «Феруз Хоразм»... Улар каби иқтисодий бақувват саноат ва ишлаб чиқариш корхоналари сафи ортиб бормоқда.

Бизни қувонтирадиган жиҳат эса, кўлга киритилган муваффақиятларда касабаси уюшмаларининг салмоқли ҳиссаси борлиғидир.

— Даврининг ўзи касабаси уюшмаларидан фаолликни оширишни, ҳар жабҳада бир қадам олдинда юришни тақозо қилмоқда. — деди вилоят касабаси уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Раҳимберган Матрасулов. — Мундайроқ қилиб айтганда, биз аъзоларимизнинг қўшниси ёки қариндоши бўлиб эмас, оила аъзоси бўлиб унинг манфаатларини, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қиляпмиз, ишлашлари, дам олишлари, саломатликларини муҳофаза қилишлари учун шарт-шароитлар яратиб бераёلمиз. Касаба уюшмалари чин маънода меҳнаткашлар гамхўри эканлигини асослаёلمиз.

Ижтимоий шериклик асосида

Бугунги кунда вилоят миқёсида Бош келишувга асосланган ҳолда ишлаб чиқилган Минтақавий келишув, 33 та вилоят, туман, шаҳар тармоқ келишувлари амал қилмоқда.

Касаба уюшмаси аъзоларини жамоа шартномалари билан қамраб олиш 2010 йилда

97 фоизни ташкил этди.

Иш ҳақидан мuddати ўтган қарздорликни ундириш борасида касабаси уюшма органлари томонидан мунтазам равишда мақсадли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва банк муассасаларига 6 мартаба мурожаат қилинди ва 1570800.0 минг сўм ундирилди, шунингдек, прокуратура органларига икки мартаба мурожаат қилиниб 50800.0 минг сўм иш ҳақидан қарздорликнинг ундирилишига эришилди.

— Агарда 2005 йилда иш берувчилар олдида 88 та талабномалар қўйилиб 119477.7 минг сўм ундирилган бўлса, 2010 йилда 24 та талабнома билан 415821.1 минг сўм ундирилишига эришилди, — дейди бирлашма раиси. — Мазкур йўналишда вилоят касабаси уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси томонидан ҳокимликлар, вилоят прокуратураси ва бошқа давлат органлари билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

Кучли ҳуқуқий ҳимоя

Кейинги йилларда касабаси уюшмаларига фуқаролардан мингдан ортиқ ёзма, 10000 дан ортиқ оғзаки ариза ва шикоятлар тушган. Ушбу мурожаатларнинг 80 фоизини меҳнат муносабатларга оид мурожаатлар ташкил этган. Булар: ишга қабул қилишни асосиз рад этиш, ходимни розилигисиз бошқа ишга ўтказиш, меҳнат шартномаларини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишда қўпол хато-камчиликларга йўл қўйилганлиги, меҳнат дафтарчаларини асосиз бермаганликлари, иш ҳақи ва товон пулларини тўлашдан бош тортиш ҳақидаги ва бошқа масалаларга доир аризалардан иборат. Ёзма аризаларнинг деярли 90 фоизидан ортиғи қаноатлантирилган. Қолган аризаларга тегишли тушунчалар берилди.

Касаба уюшмаларининг аралашуви билан ҳал бўлмаган меҳнат низолари юзасидан фуқаролик судларига даъво аризалари киритилди. Натижада, 100 дан ортиқ касабаси уюшмаси аъзолари ишга тикланди, 20 дан зиёд ходимларнинг қонуний ҳуқуқларини судларда ҳимоя қилишга эришилди.

Корхона ва ташкилотларга қонунбузилишларни бартараф қилиш тўғрисида 50 дан ортиқ тақдимнома киритилди. Буларнинг кўпчилиги касабаси уюшмаси аъзоларини меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақидадир.

Жумладан, Хива туман тиббиёт бирлашмасида ноқонуний иш ўринлари қисқартирилганлиги учун 27 нафар ходимнинг ишга тикланишига амалий ёрдам берилди. Янгиариқ туман Феруз кўчаси, 32 уйда яшовчи фуқаро Нуруллаева Зебо, Питнак шаҳар тиббиёт бирлашмасида навбатчи ҳамшира Саидова Наргиза, Янгиариқ туман Давлат солиқ инспекцияси давлат солиқ инспектори Адинаев Шоназар, «Автоустоз» Хоразм автомобил ўқув ишлаб чиқариш комбинати масъулияти чекланган жамияти профарентатори Шарипова Умида, Эшчанова Дилбар ва Хасанова Светлана ларнинг Хонқа туман телекоммуникациялар боғламасига ўз лавозимларига ишга тикланишига, Хоразмтелеком корхонасида оператор лавозимида ишловчи фуқаро Рузметова Бекпошшага қонунга зид равишда берилган интизомий жазо чорасининг бекор қилинишига амалий ёрдам берилди.

Меҳнат муҳофазаси кучайтирилмоқда

Касаба уюшмалари томонидан қабул қилинаётган жамоа шартномаларига меҳнатни муҳофаза қилишга доир муҳим бандлар киритилди.

Охириги беш йил мобайнида касб кассалигига чалиниши ёки шикастланишлари туфайли етказилган зарарни иш берувчилар томонидан ўз вақтида ва тўлиқ тўланмаганлиги сабабли келиб чиққан низолар бўйича суд органларига 31 та даъво аризалари киритилди ва 34.2 млн.сўм зарар пулларни мажбурий ундириш тўғрисида суд қарорларининг чиқарилишига эришилди.

Биргина 2010 йилда 745 та меҳнат жа-

моаларида текширувлар ўтказилиб 2755 та камчиликлар аниқланиб, иш берувчиларга тақдимномалар берилган.

Келажак олдидаги масъулият

Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси вилоят кенгаши раиси Муассар Рахимованинг таъкидлашича, вилоятда 2004-2009 йиллар мактаб таълимни ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури асосида 4 та янги мактаб қурилган, 136 та мактаб капитал реконструкция қилинган, 218 та мактаб капитал, 83 та мактаб жорий таъмирланган ва мазкур таълим муассасаларини қуриш-тиклаш ишларига 73 млрд.сўм сарфланган.

Шунингдек, умуммиллий дастур асосида 99 та спорт заллари барпо қилинган. Шундан 59 таси мактаб таълими жамғармасидан, 40 таси болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан амалга оширилган.

2010 йил болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 5 та спорт зали фойдаланишга топширилган.

1991-2010 йилларда вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими бўйича 4 та академик лицей, 51 та касб-ҳунар коллежи янгидан қурилган, 36 та касб-ҳунар коллежларида реконструкция ишлари ўтказилган.

2010 йилда ўрта махсус, касб-ҳунар коллежлари учун 8 та ўқувчилар тузар-жойлари бўйича 1995 йилда миллий тоифадаги ҳакам, 1996 йилда Осиё бўйича халқаро тоифадаги ҳакам, 2004 йилда халқаро тоифадаги Бутун жаҳон бокс ассоциацияси ҳаками сифатида эътироф этилди.

Бугунги кунда вилоят касабаси уюшмаларининг жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари 129575 нафар аъзога эга. Фаолият кўрсатиб келаётган спорт секциялари ва соғломлаштириш гуруҳларида 29726 нафар ишчи ходимлар, талаба ва ёшлар мунтазам шуғулланмоқдалар.

Вилоятимизнинг етук спортчилари қаторида касабаси уюшмалари болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчилари ҳам Жаҳон, Осиё ҳамда Республика биринчиликларида қатнашиб совринли ўринларни қўлга киритиб келмоқдалар.

Жумладан, 2010 йилда Дилором Хожимуратова Тошкент шаҳрида ўтказилган Республика биринчилигида Ўзбекистон чемпиони, Умидбек Салаев Бокс бўйича Жаксон хотирасига бағишланган халқаро турнирда кумуш медали соҳиби, Фарҳод Полванов Жиззах шаҳрида ўтказилган Бокс бўйича Республика биринчилигида Ўзбекистон чемпиони, Жалолбек Хабизов Андижон шаҳрида ўтказилган Бокс бўйича халқаро турнирда бронза медали соҳиби бўлди.


Шавкат АВЕЗОВ, Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси вилоят кенгаши раиси:

— Албатта, ислохотлар барча соҳаларда ҳам самарали кечмоқда. Аммо тиббиёт соҳасидаги ислохотлар, соғлиқни сақлаш тизимидаги ўзгаришлар, эришилган ютуқлар ҳаммасидан ҳам салмоқли десак, янглишмаймиз.

Урганч шаҳрида Республика ихтисослаштирилган урология маркази, вилоят кўз микрохирургия маркази, кардиология маркази фаолият кўрсатмоқда. Эндиликда ушбу марказларимизда мураккаб операцияларни жаҳон андозаларига мос тиббиёт жиҳозлари ёрдамида амалга ошириш имкони пайдо бўлди ва элдошларимиз бу имкониятлардан фойдаланмоқдалар.

Фаолият кўрсатаётган 170 та ҚВПнинг 71 таси янгидан қурилди, 19 таси реконструкция қилиш йўли билан бунёд этилди. Биргина 2010 йилда 4 та ҚВП янгидан ишга туширилди. 2011 йилда 20 та ҚВПда таъмирлаш ишларини олиб бориш режалаштирилган.

Вилоят маркази аҳолисига тиббий хиз-



мат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш, шаҳарликларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш мақсадида 2011 йил бошида Урганч шаҳар шифохонаси фаолият бошлади.

Светлана ХУДОЙБЕРГАНОВА, Ўзбекистон ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касабаси уюшмаси марказий кенгаши Хоразм вилоят вакили:

— Навбатдаги иш кунларимнинг биринчи «Урганчтрансгаз» шўба корхонаси касабаси уюшма кўмитаси раиси Умрбек Абдукаримов кўнғироқ қилиб, боғ яратиш учун мўлжалланган майдонни ниҳол экиш учун тайёр бўлганлигини билдириб, ҳашарга таклиф қилди. Шундай ажойиб таклифни рад қилиб бўладими? Белгиланган мuddатда етиб бордим.

Корхона маъмурияти ва касабаси уюшма кўмитаси ҳамкорликда ташкил қилган янги боғ Янгиариқ тумани ҳудудида жойлашган эди. «Кўпдан кўн қочиб қутулмас» дейдилар. Хувиллаб ётган олти гектар майдон кеч тушгунча янги қиёфага кирди. Бу ерга бири-бирдан чиройли турли мевали дарахтларнинг кўчатлари ўтказилди. Янада қувонарлиси, ўтказилган узум кўчатлари корхонага қарашли иссиқхонада етиштирилди. Боққа «Газчилар боғи» деб ном берилди.

Албатта, ниҳол қадаган билан дарахтга айланавермайди. Уни парвариш қилиш, меҳр бериш керак бўлади. Яқинда экилган ниҳолларнинг тақдирини билан қизиқиб, боққа яна бир карра ташриф буюрдим. Уларнинг аксарияти барқ уриб ўсаётганини кўриб қувондим.

Иссиқхонада яна лимон кўчатлари ҳам етиштирилмоқда. Ҳадемай улар улғайиб, мевага кирса ажаб эмас. Бу касабаси уюшмалари ва маъмурият ўртасида ижтимоий шерикчилик муносабатларининг намунаси бўлганлиги натижаси.

Корхона жамоаси биргина боғ ташкил қилиш билан чекланиб қолганлиги йўқ. Хива тумани, Қорақалпоғистоннинг Хўжайли туманида ҳам янги боғлар яратилиб, уларнинг умумий майдони 20 гектарни ташкил қилди.

«Урганч нефтбаза» унитар корхонасида 837 нафар касабаси уюшма аъзоси меҳнат қилади. Улар иштирокида Қораёнтоқ массивида 20 гектар янги боғ ташкил қилди.

1352 нафар касабаси уюшма аъзосини бирлаштирган «Хоразмэлектртрармоқлари» корхонаси ва унинг туман филиалларида ҳам бўш қолган ҳар бир қарич ер ҳисобга олинди. Жами ташкил қилинган боғ майдонлари 26 гектарга яқинлашди. Уларга 27 мингдан зиёд дарахт кўчатлари экилди.

Шу ўринда, ушбу тадбирларни амалга оширишимизда «Ishonch» газетасининг кўмаги ниҳоятда катта бўлганлигини айтиб ўтишим жоиз. Газетада ташаббус ёлгон қилинганидан то ҳозиргача боғ яратиш борасида берилаётган мақолаларни ўқиб, тажрибаларни ўрганиб келяпмиз.

Кўчат экиш яхши иш. Лекин уни кўкартириб олиш жуда масъулиятли юмуш. Биз Хоразм вилоятининг қайси гўшасига бормайлик, янгиланаётган, фаолиятга янгича ёндашаётган касабаси уюшмалари меҳнат қилишлари қалбига ўтқазган ниҳолларни кўкартириб, уни яшнатишга кўп куч сарфлаётганининг гувоҳи бўлдик. Бу ниҳол «Инсонга наф келтириш — олий бахт» деб аталади.

Пирмат ШЕРМУҲАММЕДОВ, Абдусайд КҮЧИМОВ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзолари. Муҳаббат ТҮРАБОЕВА, Абдуҳолик АБДУРАЗЗОҚОВ, «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари мухбирлари

Сўраган экансиз // Сўраган экансиз // Сўраган экансиз // Сўраган экансиз // Сўраган экансиз /

? Корхонамизда ўриндошлик асосида ишлайдиган ходим сафарбарлик чақирув резервида ҳарбий хизмат ўтаяпти. Ходим бошқа ташкилотда ҳам тўлиқ фаолият юритади. Унинг ҳарбий хизматдалиқ даври учун иш ҳақи тўлаймизми?
Махбуба РЎЗИЕВА, Кармана тумани

Иш ҳақи тўлаймизми?

Меҳнат кодексининг 160-моддасига мувофиқ бир неча касбда (лавозимда) ишлаганлик, хизмат кўрсатиш доираси кенгайганлиги, бажарилган ишлар ҳажми ортганлиги, ўзининг асосий иши билан бир қаторда ишда вақтинча бўлмаган ходимларнинг вазифаларини бажарганлик учун, шунингдек, ўриндошлик асосида иш бажарилганда (ходим ўзининг асосий ишини бажаришидан ташқари асосий ишидан бўш вақтида меҳнат шартномаси асосида бошқа ҳақ тўланадиган ишни бажарганда), ходимларнинг меҳнат ҳақи миқдори меҳнат шартномасининг тарафлари ўртасидаги келишувга биноан амалда бажарилган иш юзасидан белгиланади.

Меҳнат кодексининг 165-моддасига мувофиқ ходим давлат ёки жамоат вазифаларини бажараётган вақтида (сайлов ҳуқуқини амалга ошириш, депутатлик вазифаларини бажариш, тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси ишида иштирок этиш, ҳарбий бурчни бажариш, суриштирув органига, терговчи, прокурор ҳузурига ёки судга гувоҳ, жабрланувчи, эксперт, мутахассис, таржимон, холис тарихида чақирилганда, худди шунингдек, суд мажлисларида халқ маслаҳатчиси, жамоат айбловчиси ва жамоат

ҳимоячиси, жамоат бирлашмалари ва меҳнат жамоаларининг вакили сифатида иштирок этганда, шунингдек, қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда) иш берувчи уни иш жойини (лавозимини) сақлаган ҳолда ишдан озод қилиши шарт. Ана шу вазифаларни бажариш вақтида ходимнинг ўртача иш ҳақи сақланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги қарори билан тасдиқланган «**Ходимларнинг давлат ёки жамоат вазифаларини бажаришлари, шунингдек, уларнинг жамият манфаатларига доир ҳаракатларни амалга оширишлари билан боғлиқ кафолатли тўловларни бериш ТАРТИБИ**»га кўра ходимлар томонидан давлат ёки жамият манфаатларига доир бажариладиган вазифалар:

сайлов ҳуқуқини амалга ошириш;

депутатлик ва сенаторлик вазифаларини бажариш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ҳузуридаги Конституциявий ҳуқуқларга ва инсон эркинлигига риоя қилиш комиссияси фаолиятида қатнашиш;

тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси ишида иштирок этиш;

ҳарбий бурчни бажариш; суриштирув органларига, терговчи, прокурор ҳузурига, судга гувоҳ, жабрланувчи, эксперт, мутахассис, таржимон, холислар тариқасида

(чақириқ бўйича) бориш; халқ маслаҳатчилари, жамоат айбловчилари ва жамоат ҳимоячилари, жамоат бирлашмалари ва меҳнат жамоалари вакиллари сифатида суд мажлисларида, шунингдек, қонун билан назарда тутилган бошқа ҳолларда иштирок этиш;

ходимлар томонидан жамият манфаатлари йўлида қилинадиган ҳаракатлар:

авариялар, табиий офатларнинг оқибатларини тугатиш;

инсон ҳаётини сақлаб қолиш;

қуйиш учун қон топшириш ва бошқа ҳоллар.

Давлат ёки жамоат вазифаларини бажариш вақтида (қонун билан белгиланган ёки тегишли органнинг чақириқ қоғозида, хабарномасида кўрсатилган вақтда) иш берувчи ходимнинг иш жойи (лавозими)ни сақлаган ҳолда уни ишдан озод қилиши шарт.

Ходимнинг давлат ёки жамоат вазифаларини бажариши, шунингдек, унинг жамият манфаатларига доир қилаётган ҳаракатлари вақтида ушбу вазифаларни бажариш учун қонун билан белгиланган вақтдаги ёки тегишли орган томонидан берилган маълумотномада кўрсатиб ўтилган муддатдаги лимитга мувофиқ ўртача иш ҳақи сақлаб қолинади.

? Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 22 декабрдаги Қонунига асосан амалдаги Меҳнат кодексининг 100 - моддасига янги матндаги 7-банд киритилганлиги муносабати билан қуйидаги масалаларга аниқлик киритиб беришларингизни илтимос қиламиз.

1. МКнинг 100-моддаси 7-банди бўйича меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги ходимга бериладиган огоҳлантириш муддати неча кун қилиб белгиланган?

2. Ушбу банд бўйича меҳнат шартномаси бекор қилинганда, огоҳлантириш муддатини тарафларнинг келишувига биноан пул компенсацияси билан алмаштириш мумкинми?

3. МКнинг 100-моддаси 7-бандига асосан, тарафлар келишувига биноан огоҳлантириш муддати тугамасдан меҳнат шартномаси бекор қилинганда, ходимга ишдан бўшатиш нафақаси тўланадими?

4. МКнинг 100-моддаси 7-банди бўйича огоҳлантириш муддати тугагандан сўнг неча кун ичида меҳнат шартномасини бекор қилишга йўл қўйилади, бу ҳолатда ишдан бўшатиш нафақаси тўланадими?

М. НОРЖИГІТОВ,
Оқдарё тумани

Айрим моддаларга шарҳ берсангиз

Меҳнат кодексининг 102-моддасига мувофиқ меҳнат шартномаси ходимнинг пенсия ёшига тўлганлиги муносабати билан, қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи мавжуд бўлган тақдирда (100-модда иккинчи қисмининг 7-банди) бекор қилинганда, камида икки ой олдин огоҳлантирилади.

Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан ушбу модда биринчи қисмининг 1 ва 2-бандларида назарда тутилган огоҳлантириш унинг муддатига мувофиқ келадиган пуллик компенсация билан алмаштирилиши мумкин.

Меҳнат кодексининг 109-моддасига мувофиқ меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинганда ишдан бўшатиш нафақаси тўланади. Ишдан бўшатиш нафақасининг миқдори ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлиши мумкин эмас.

Меҳнат кодексининг 110 - моддасига мувофиқ меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинганда ходимга тегишли иш ҳақи, унинг миқдори хусусида низо бўлмаса, меҳнат шартномаси бекор қилинган кунга қадар ишлаётган ходимга, меҳнат шартномаси бекор қилинган куни тўланади.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИНГ



қалари учун 2010 йилда давлат бюджетидан 1,4 триллион сўм маблағ ажратилган.

Бюджетда белгиланган харажатлардан ташқари, ҳукуматимиз томонидан ҳар йили ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва

уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтиришга қаратилган махсус қарорлар қабул қилиб келинмоқда.

Бир сўз билан айтганда, бугун юртимизда ҳар томонлама мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга бўлган ишончли ижтимоий ҳимоя тизими шаклланди ва у амалда ўзини оқламоқда.

Шу жиҳатдан олганда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлисида маъқулланган «Фуқаролар-

нинг пенсия таъминоти тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Қонун бу соҳадаги ислохотларнинг муҳим босқичи бўлди.

Ушбу қонун лойиҳаси Ўзбекистон Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони, «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорлари асосида ишлаб чиқилган.

Мазкур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пен-

сия жамғармаси фаолиятининг асосий вазифалари белгилаб берилган, уларнинг янгиланган функционал-ташкилий тузилмаси кўзда тутилган.

Маълумки, илгари фуқароларнинг пенсия таъминоти ва тиббий-меҳнат экспертизаси масалаларининг бутун комплекси билан боғлиқ масалаларни Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва унинг тизимига кирувчи органлар амалга оширар эди.

Бу билан боғлиқ функциялар ҳамда тегишли тузилмалар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимидан чиқарилиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг тегишли бўлинмалари ихтиёрига ўтказилди ҳамда пенсиялар, шунингдек, ижтимоий нафақалар, компенсация ва бошқа тўловларни тайинлаш, молиялаштириш, уларнинг тўланишини ҳисобга олиш ва мониторингини юритиш Пенсия жамғармасининг тегишли ҳудудий бўлинмалари томо-

«Ўзбек модели» деган ном билан дунёда тан олинган мустақил тараққиёт йўлимизнинг негизда машҳур беш тамойилдан бири — кучли ижтимоий сиёсат ётади.

Энг аввало, бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш жараёнида ижтимоий муҳофазага биринчи галда муҳтож бўлган аҳоли тоифалари — кўп болали ва кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, етим-есир ва ногиронлар, талаба ва нафақа-

дорларнинг манфаатини ҳар томонлама ҳимоя этиш бўйича қилинган ишларни алоҳида таъкидлаш жоиз.

Мамлакатимизда ижтимоий соҳага давлат бюджетидан ажратилаётган маблағ ҳажми тобора ортмоқда. Яна бир муҳим жиҳати, мамлакатимиз аҳолисининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қисмини қўллаб-қуватлаш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш ҳамда уларнинг, шунингдек, ёшлигидан ногирон бўлиб қолган болаларнинг нафа-

Гугурт қути ичидаги «обрў-эътибор»



Сайхунобод туманилик ўттиз бир ёшни қаршилаган, куч-қувватга тўла Хушвақт Ғайбуллаев ҳалол меҳнат билан тинчгина оиласини боқиб юрганди. 2006-2009 йиллар давомида Россиянинг Уфа шаҳрида ишлаб келди-ю, ўзгариб қолди. Бегона юрда йигитнинг орттиргани гиёҳвандликка ўрганиш бўлган эди.

ни бошлаб юборди. Харидорларнинг бири келиб, бири кетгани сайин Хушвақтга «обрў-эътибор»и ортиб бораётгандек туюларди.

— Қўлинг ўргулсин «гугурт қутиларингиздан» борми «оптом» оламан, — деб кўнғироқ қилиб қолди даврага янги қўшилган харидорлардан бири. — Менга 10 қути керак.

Икки томон ўзаро келишиб, шу кунни маҳалла ҳудудидagi касб-хунар коллежи биноси яқинида учрашдилар. Хушвақт харидорга гиёҳванд моддаларини улгуржи топшириб, қўлига мўмай даромад тушгач, маишатни бошлаб юборди.

Бироқ у қилмишлари тўғрисидаги хабар ҳуқуқ-тартибот идораларига етиб борганлигини ва ҳозир ўзига тузоқ қўйганлигини билмасди. Гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланувчи бу кимса шу тариқа ашёвий далиллар билан қўлга олинди. Ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан ҳолислар иштирокида унинг ҳонадони кўздан кеңирилганида, омборхонадан 4 дона қора рангли елим халтага жойлашган 1,5 килограмм оғирликдаги майдаланган, яшил рангдаги ўткир хидли модда топилди. Суд кимёвий экспертизасининг ҳулосасига кўра, бу модда «марихуана» эканлиги аниқланди.

Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят суди мажлисида Х.Ғайбуллаев Жиноят Кодексининг тегишли моддалари билан айбдор деб топилди, жазога тортилди.

Анорбой НОРҚУЛОВ

Меҳнатга бўйни ёр бермаган Хушвақт ишлаб келган уч-тўрт чақасини совуқларда ўтиб кетган шамоллашни доволашга сарфлаб юборгач, хуморни қондириш чораларини излаб, томорқасида ўсаётган маккажўхори орасига 3 туп наша уругини экди. Ниҳолларни парваришлай бошлади. «Экин» октябр ойида пишиб етилди. Хушвақт ўсимликнинг барглари ва бошоқ қисмини юлиб олиб қуритди. «Ҳосил» анча мўл эди. Уни елим халталарга жойлаб, омборхонасига яшириб қўйди. «Бу билан бемалол келгуси йилгача етиб олса бўлади», — деб ўйлади у.

Хушвақт зах омборхонада қуритилган нашалар ёнида ўтирар экан, уни пулга чақди, кўз ўнгида жарақ-жарақ пуллар жилва қилди. Ахир ўзига ўхшаган «дори» хуморида юрган кимсалар камми? Айтган нархи-га индамай олиб кетишади. У келгуси йилгача етулик насибасини ажратиб олиб, талқон ҳолига келтирилган гиёҳванд моддаларни 20 дона гугурт қутисига жойлади. Гиёҳванд моддалар сотиш орқали осон даромад топишни кўзлаб, ташиш нашавандлар ўртасида савдо-

Кўчмас мулк савдоси ва ижроси билан шуғулланувчи агентликда ишлаб юрган Тоҳир Хусанов (исм-фамилиялар ўзгартириб берилмоқда) касби-кори тақозосига кўра, фирибгарлар тоифасининг ҳар хилига дуч келган эмасми, улар билан қандай муомала қилишни яхши биламан, деб ўйлаб юрарди. Аммо бу сафар қандай чув тушганини ўзиям билмай қолди.

«Италянча бизнес»

Қиш кунларининг бирида у ишлайдиган кўчмас мулк агентлигига Мунира Рамедова деган аёл офис учун ижарага жой топиб беришни сўраб келади. Ўзини тутиши-ю, қимматбаҳо либослари одатдаги мижозлардан эмаслигидан далолат бериб турган бу кибор хонимга хизмат кўрсатиш айнан Т.Хусановнинг чекига тушди.

Аёл унга аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи фирма ташкил қилмоқчилигини, шаҳар марказидан офис учун жой кераклигини тушунтирган бўлди. Икки-уч кун ижарага бериладиган жойларни кўрсатиб юриб, бу аёл ҳақида анча мунча маълумотларни билиб олди.

М.Рамедова бошлаётган бизнесига катта пул тиккани, шунинг учун офис албатта марказдаги ҳашаматли бинода бўлиши кераклигини тез-тез тилга олар, аммо маклер кўрсатган жойлар унга маъқул тушмас эди.

Гап орасида у Т.Хусановга синглиси Италияда яшашини, ўша юртдан қимматбаҳо оёқ кийимлар жўнатиб туришини, агар хоҳласа, уни ҳам ана шу бизнесга шерик қилиши мумкинлигини айтиб ўтади.

Турган гапки, бу таклиф Т.Хусановга маъқул тушади.

— Маклерликдан ҳам топишим ёмон эмас, лекин кўраясиз, кун сайин рақобат кучайиб бораёпти. Озми-кўпми йиққанам бор, бирор қўшимча бизнесга тикиш ниятида юрибман, — дейди у кибор хонимга умидвор кўз тикиб.

— Ундай бўлса, сизга ёрдам берман, — дейди М.Рамедова маклерга синовчан қараб олиб. — Биласиз, италянларнинг туфлисига ишқибозлар исталганча топилади. Энг асосийси, икки-уч баробар устамасига пуллаш

мумкин. Сизни Римга, синглимининг олдига жўнатаман. Унинг ўзи арзон баҳода сотиладиган жойларни сизга кўрсатиб қўяди.

— Виза олиш масаласи қандай бўлади? — иккилангандай сўрайди Т.Хусанов.

— Бу муаммо эмас, 400 долларга бир ҳафтада тўғрилаб бераман, — дейди М.Рамедова.

Т.Хусанов омади чопганига ишонолмас, аммо кибор хонимнинг ўта сиполик билан айтган гаплари уни таваккал қилишга ундаётган эди. Эртаси кунёқ Италия сафари учун 400 АҚШ долларини М.Рамедовага санаб беради.

Шу билан орадан бир ҳафта эмас, бир неча ойлар ўтса ҳамки, виза тайёр бўлавермайди. Италияга жўнатиладиган кунни кута-кута тоқати тоқ бўлган Т.Хусанов аёлни қидириб топади. Аёл эса пинагиниям бузмай яна 600 доллар керак бўлаётганини айтади.

Т.Хусановда шубҳа уйғонади. Суриштирса, М.Рамедова негадир фирмаси учун офис қидиришни аллақачон тўхтатган, энди умуман бошқа ишлар билан банд... Ундан ҳам қизиги, бу аёл фирибгарлик жиноятлари учун бир неча бор судланиб, жазосини ўтаб чиққан хавфли рецидивист экан.

Чув тушганини англаб етган Т.Хусанов ариза билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга мурожаат қилади.

Дастлабки тергов давридаёқ фирибгар аёл Т.Хусановга пулларини қайтаради. Аммо жиноят жазосиз қолмайди. Суд айбдор деб топиб, тегишли жазо белгилади.

Азиза ТУЙГУН,
Мирзо Улуғбек туман
прокурори
ўринбосари

ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

нидан амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг жойларда бўлинмалари шакллантирилди.

Буларнинг барчаси қисқа даврда пенсия таъминоти тизимининг тубдан ислоҳ этилаётганлиги, мазкур соҳанинг фуқароларга хизмат қилиши борасидаги сифатини юқори даражага кўтарилаётганлигининг бевосита далолатидир.

«Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ, Жиноят-ижроия, Жиноят-процессуал ва Оила кодекслари ҳамда қатор қонунларга, хусусан, «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида», «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида», «Дехқон хўжалиги тўғрисида», «Бюджет тизими тўғрисида», «Фуқароларнинг жамғариб бериладиган пенсия таъминоти

тўғрисида» ва «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий сўғуртаси тўғрисида»ги қонунларга тегишли ўзгартишлар киритилди.

Юқорида қайд қилинган кодекслар ва қонунларнинг матнларидаги «ижтимоий таъминот бўлимлари» деган жумла «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг бўлимлари» ҳамда «меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари» деган жумлалар билан алмаштирилди.

Шу билан амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 43-моддасига киритилган ўзгартириш «қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари), бошқа кооперативларнинг аъзоларига ва уларнинг оила аъзоларига пенсия тайинлаш тўғрисидаги ариза кооператив бошқаруви орқали берилишини» назарда тутди.

Хулоса қилиб айтганда, «Фуқароларнинг пенсия

таъминоти тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Қонун давлат ижтимоий ҳимоя соҳасининг пенсия таъминоти тизимини мувофиқ равишда олиб бориш, пенсия ва ижтимоий нафақаларни бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан ўз вақтида молиялаштириш ҳамда уни тўлиқ ҳажмда тўлаш, шунингдек, республика фуқароларининг пенсия таъминотида йўналтириладиган маблағларидан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш ва мамлакатимиз пенсия тизимининг замонавий ҳолатини ўзида тўлиқ акс эттиради.

Жавлон АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон
Республикаси
Президенти
ҳузуридаги Амалдаги
қонун ҳужжатлари
мониторинги институти
бош илмий ходими,
юридик фанлар
номзоди

Халқимизда «Қанча топсанг ҳам ҳалолдан берсин», деган нақл бор. Пешона тери эвазига, тўғри йўл билан келган ризққа не етсин. Орамизда фарзандларига ҳалол луқма едириб, оила ва жамият учун бирдек наф келтираётган инсонлар кўп. Аммо осон пул топишга, меҳнат қилмай ўзгалар ҳисобидан бойлик орттиришга ҳаракат қилаётганлар ҳам, таассуфки, учраб туради. Айниқса, гиёҳванд моддалар олди-соттиси билан шуғулланаётган кимсаларнинг гуноҳи азимдир.

Манзилу макони қоронғу кўча

Ҳуқуқ-тартибот органлари саъй-ҳаракати натижасида қонунни четлаб ўтиб, эгри кўчаларга кириб кетаётган бир қанча шахслар аниқланиб, улар устидан жиноий иш қўзғатилди. Мазкур йўналишда Ички ишлар тизими ходимлари томонидан «Қора дори» тадбири сингари бир қатор профилактика ишлари ўз самарасини бермоқда.

Мана бир мисол. Тошкент вилояти Бекобод туманида яшовчи фуқаролар Зоиржон Мансуров ва Абдурашид Шодиев ўзаро тил бириктириб, гиёҳванд моддаларни 13 000 500 АҚШ долларига сотаётган пайтида ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан қўлга олинди. Экспертларнинг ҳулосасига кўра, жиноятчилар ёнидан 3 килограммга яқин гашиш, 3 килограмдан ортиқ опий чиққан. Суриштирувларда бу шахслар гиёҳвандлик моддалари тожикистонлик Абдуллажон исмли кишига тегишли эканлигини, уни ҳамтовоклар айланма йўллар билан ҳудудимизга олиб кирганликларини, Абдуллажон ҳатто пулини сотиб бўлгандан кейин ҳам берса бўлишини таъкидлаганини тан олишди. Гўё ҳали тузукроқ таниш бўлмаган Абдуллажон уларга ишонч билдириб, ака-укадек бўлиб кетишларини айтган, пул эса топиладиган нарса қабилида иш тутган эмиш.

Таажжубланасан киши. Наҳот, бу ёшлар ўргимчак тўрига ўзларини тутиб берганлигини, муғомбирлик қилаётган, бу ишларда пихини ёрган одамни мурувват кўрсатаётганга йўйганликларини англашмайди? Панжара ортида туриб тушунгандан эса наф йўқ.

Наргиза АСАДОВА

МАСЛАХАТ

Мева-узум ҳосилини сақлаш ва қайта ишлаш

Айни дамда юртимиз боғ-роғларида мевалар ғарқ пишган. Ушбу нознеъматларни халқимиз дастурхонига сархиллигича етказиб бериш баробарида, уларни қайта ишлаб, қуритиб қишга сақлаб қўйиш ҳам долзарб вазифалардан биридир. Мева-узумларнинг таркибидаги озикавий моддалар максимал даражага етганда, яъни ҳосил теримбоп бўлиб етилганда, теримга киришилади. Терилган олма-ларни сиғими 25–30, нокни 12–15, данакли мевалар ва узумни 8–10 кг. ли яшиқларга жойлаштириш мақсадга мувофиқ. Бунда яшиқларга қоғоз ва тоза ёғоч қириндиси солинса, мевалар яхши сақланади.

Данакли меваларни узоқ муддат сақлаб бўлмайди. Ҳаттоки сунъий усулда совутиладиган омборхоналарда (0–10° ҳароратда) бор-йўғи икки ой сақлаш мумкин, холос.

Ўрик меваларини теришга улар қаттиқроқ, бироз пишмаган ҳолатда, лекин мазаси ушбу помологик навга хос бўлганда киришиш мумкин. Бунда ўрик мева банди билан терилса, узоқроқ муддат сақлаш имконини беради.

Мева ва резавор кенсервалар тайёрлаш

Компотлар парҳез ичимликлар ҳисобланиб, инсон организми учун ўта фойдалидир. Деярли барча мева-резаворлардан алоҳида ёки аралаштириб (ассорти) компотлар тайёрланади. Сифатли, озика қиммати юқори компот тайёрлаш мева-резаворларнинг нави, хомашё сифати ва тури, тайёрлаш технологиясига боғлиқ.

Олча ва гилос банкаларга бутунлигича солинади, олхўри эса данаги билан ёки данагидан ажратилиб консерва қилинади. Тукли шафтолининг пўсти каустик соданинг эритмаси ёрдамида ажратилиб, сувда ювилади.

Ўрик бутунлигича ёки данагидан ажратилиб, банкаларга жойлаштирилади. Олма ва нокнинг пўсти ва уруғидан тазалангач, икки ёки тўрт қисмга бўлиниб бланширланади. Беҳи эса тозаланиб, бўлақларга бўлиниб бланширланади (юмшоқ бўлгунга қадар).

Узум доналари алоҳида ёки кичик-кичик шингил қилиб консерваланади.

Мураббо — мева ҳамда шакар қиёмидан тайёрланган ширинликдир. Бунда мева ёки унинг бўлақлари бутун қиём бўйича бир хил тақсимланади. Мураббода 70–75% қуруқ модда бўлади.

Шиша идишларга солинган мурабболар, қопқоғи зич беркилиб, 90° да 25 дақиқа пастеризацияланади. Агар мураббо чала қайнатилса, бир қанча муддатдан кейин ачиб, кўпиклашиб қолади. Жем пишириш учун таркибида етарли миқдорда кислота ва пектин моддаси кўп бўлган мева-резаворлар — олма, олхўри, беҳи ишлатилади. Бошқа мевалардан жем пиширилса, уларга пектин моддасига бой мева ва мева шарбати ёки пюреси ишлатилади. Жемнинг тайёр бўлгани рефрактометр ёрдамида аниқланади.

Данакли меваларни (ўрик, шафтоли, олхўри, гилос) қуритиш учун очик ва қуёшга қараган майдон танланиши, албатта, оқар сув, электр токи, катта столлар, поднослар ва дудлаш камералари бўлиши керак. Текисланган майдон серсомон лой билан 10–14 см. қалинликда сувалади ва қуритилади. Лой қуригандан кейин чўқади ва сомон устига чиқиб қолади ҳамда қуритишга қўйилган мева ёки узумнинг тагидан шамол ўтиб туради, натижада маҳсулот чиримайди ва тез қурийд.

Фермер хўжаликлари ва аҳоли хонадонларида мева-резаворлар юқоридagi тавсиялар асосида сақланиб, турли шарбат, мураббо ва бошқа консервалар тайёрланса, улар қишнинг қорли-қировли кунларида инсон организмининг фойдали минераллар билан таъминлайди.



Саъдулла Расулов кўп йиллардан бери Сарийосиё туманидаги 51-умумтаълим мактабида 5-9 синф ўқувчиларига тарих фанидан сабоқ беради. У таълим ва фан ходимлари Сарийосиё туман бирлашган кўмитасида кенгаш аъзоси. Вақтнинг қадрини олтинга тенглайдиган фидойилардан. Шу боис дарсдан бўш пайтларини беҳуда ўтказмайди — боғда меҳнат қилади.

1997 йили собиқ Охунбобоев номли ширкат хўжалигининг «Сарижўй» маҳалласи ҳудудидаги боғлар хусусийлаштирилаётганда унга анча вақт эга топилмади. Хўжалик раҳбарлари боғни бўлиб бериш юзасидан ҳар қанча ташвиқот юриштирмасин, одамлар ҳадиксираб, иккиланиб туришарди. Бунинг талай сабаблари бор бўлиб, уларнинг энг биринчиси, бу боғнинг ташландиқ аҳволга келиб қолгани эди. Саъдулла муаллим аввал уста деҳқонларнинг йўлини кесиб ўтмайин, деб мулоҳаза қилиб турди. Улардан айтарли ташаббус бўлавермагач, майдонга чиқди.

Улуғ мақсадни дилига тугиб, хўжалик раҳбари номига ариза ёзди. Унга 5,7 гектар боғ ажратилди. Уша даврдаги пулга шахсий жамғармасидан 83 минг сўм тўлади.

Тўғри, анча хароб холга келиб қолган боғдан дастлаб қутилган ҳосил олинмади, аниқроғи, олишолмади. Икки йил шу тарзда ўтди. Саъдулла муаллим умид билан ишлашдан чарчамади. «Анушервон» фермер хўжалигини тузди. Боғ чинакамига ўзиники бўлганига ишонч ҳосил қилгач, уни янгилашга киришди. Ака-укаларидан қарз кўтариб, аввало эскирган ток ва курт босган ёнғоқ дарахтларининг бир қисмини кўпориб, ерни сифатли шудгорлади, маҳаллий ўғитга тўйинтирди. Тажрибали боғбонлардан май ойида пишадиган қизил олма ва симеренко навли кўчатларини келтириб ўтказди. Ниҳоллар орасидаги майдонни бўш қолдирмай, — бодринг, помидор, ошқовоқ, қовун-тарвуз, бугдой эқди. Кўчатлар нишона ҳосил бергач, эски дарахтларнинг қолган қисмини ҳам кўпориб, серҳосил кўчат навларини ўтказди. Шунга ҳам ана-мана демай ўн тўрт йил тўлади. Ўтган даврда ниҳоллар азим дарахтга айланиб, бугун тонна-тонна ҳосил бермоқда.

— Эски дарахт ва тоқларни кўпориб ёш ниҳоллар ўтказганимиздан кейин уч йил ўтгач, боғимиз кишининг кўзини қувонтирадиган, ҳар қандай одамни маҳлиё қиладиган даражага етгач, ўзига тўқ бир тадбиркор киши (кимлигини айтмайман) қайта келиб савдолашди. 85 минг АҚШ доллари бераман, деб тоза бошни қотирди, — дейди ўқитувчи-боғбон Саъдулла Расулов. — Шайтоннинг йўлига кириб, боғни бериб юборгим ҳам келди-ю яна кўнглим бўлмади. Ўйлаб қарасам, шунча меҳнат қилдим, қаровсиз боғни жаннатга айлантирдим. 85 минг АҚШ долларини нари борса, икки-уч йил орасида тугатаман, кейин нима қиламан? Мевали дарахт инсонга бир умрлик шерик. Йўқ, унинг тақлифига кўнмадим. Жоним соғ бўлса, ишлаб турсам,

бу боғ менга, бола-чақамга, аъзоларимга ҳар йили кўпдан-кўп ризқ ато этади. Миллионлаб даромад келтиради. Мактабда болаларга дарс бериб, толиқиб қайтгач боғга кирсам, чарчоқларим ёзилиб, чеҳрам очилиб кетади, кучимга-куч қўшилгандай бўлади...

Дарвоқе, Саъдулла Расулов боғбон бўлиб кам бўлмади. Боғ даромадидан аъзоларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда 10-15 оиланинг тур-

дан иборат боғимиз дастлаб отам Сафарбой Саидов номида эди. У киши ака-укаларимни тўплаб, «боғни қайси биринг оласан», деганда оға-иниларим бирови машинага, бошқаси уйга эга чиқди, менга эса боғ тегди, — дейди «Баҳодир» фермер хўжалиги раҳбари ёш боғбон Баҳром Саидов. — Энди акам ҳам, укам ҳам боғни олмаганидан афсусда. Чунки, боғимиздан ҳар йили миллион-миллион даромад топаёلمиз. Даромадимиздан аввалига трактор, сўнгра «Дамас», «Нексия», «Ласетти» автомашиналари харид қилдик. Укам Бахтиёр, синглим Шаҳнозани тўлов-шартнома бўйича олийгоҳларда ўқитаяпмиз. Ҳовлимизда 10 бош қўй, 4 бош қорамол боқаяпмиз. Буларнинг ҳаммаси шу боғнинг орқасидан...

— Фермер хўжалиги ташкил этганимдан жуда хурсандман. Дастлаб жуда чўчиб иш бошлаганим. Ҳукумат раҳбарлари фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлапти, ғамхўрлик кўрсатмоқда, — дейди мамнуният билан «Фахриддин» фермер хўжалиги етакчиси Абдумўмин Самиев. — Фермерчиликнинг афзаллиги шундаки, биз боғни олиб фақат наф кўраёلمиз. Мева етиштирамиз, харажати ҳам, даромади ҳам ўзимизники. Фақат ер солиғи, даромад солиғини тўласак бас. Одамларга бундан бошқа яна қандай ғамхўрлик керак...

«Сарижўй» маҳалласи ҳудудида фаолият кўрсатаётган боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг барчаси фақат мевали дарахт, ток парваришлаб, мўл ҳосил етиштириш билан чеғарланиб қолишаётгани йўқ. Улар мевали дарахтлар орасидаги ерлардан ҳам самарали фойдаланишмоқда. Масалан, «Анушервон», «Баҳодир», «Фахриддин» фермер хўжаликлари аъзолари 2010 йилда мевали дарахтлар орасида помидор, бодринг, пиёз, картошка, полиз маҳсулотлари, қарам етиштириб мўл ҳосил олишди ва миллион-миллион сўм даромад қилишди.

— Шу кеча-кундузда мевали боғимизнинг оралиғидаги ерларнинг бир гектарига бугдой ўстираяпмиз. 40 сотих ерда ўтган йил 15 августда Голландия навли қарам кўчатини ўтқазгандик. Бугунги кунга келиб, 15 тонна қарам сотдик. Яна шунча қарам чиқади, — дейди муаллим-боғбон, «Анушервон» фермер хўжалиги раҳбари Саъдулла Расулов. — Қарамнинг изидан дарров пиёз ўстирамиз. Даланинг бир чеккасида пиёз бир қарич бўлиб ўсиб турибди. Ер тайёр бўлгач, плёнка остидаги пиёз кўчатини кўчириб ўтказамиз, ўғитлаймиз, сувлаймиз, қарабсизки, августда пиёзимиз тайёр бўлади. Боғ орасидаги ернинг қолган қисмига помидор, бодринг, қовун-тарвуз ўстирамиз. Бугдойнинг изига ҳам ловия, нўхат, мош, ошқовоқ ўстирамиз. Хуллас, йил давомида боғ орасидаги ерлардан унумли фойдаланамиз. Шу экинларни экиш ва парваришлаш жараёнида ишлатиладиган ўғит ва сувдан мевали дарахтимиз ҳам баҳраманд бўлади.

Айни кеча-кундузда барча фермер хўжаликлари аъзолари боғ орасида ўстирилган қарам ҳосилини бозорларга чиқаришяпти. Сарижўйлик боғбонларнинг тадбиркорлиги-ю удабуронлиги, қолаверса, инсонга наф келтираётганига қойил қолиб, бу эзгу ишда қасаба уюшмаси аъзолари ва фалларининг ҳам ҳиссаси борлигидан қувондик.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ishonch» мухбири

Боғ яратиб «Нексия» олган муаллим

муши фаровон. Боғбон бўлиб «Нексия» машина олди, уй қурди. Фарзандлари Олимжон, Анушервонларнинг олийгоҳларда тўлов-шартнома бўйича ўқитаяпти. Даромадидан ўзи ишлайдиган ва кичик фарзандлари таҳсил олаётган 51-мактаб таъмирига ҳар йили бир миллион сўм атропофида ёрдам кўрсатапти. Туман ҳудудидаги «Фарҳод» мурувват уйига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, боғ неъматларидан ҳада қилаяпти.

Сарийосиёнинг «Сарижўй» маҳалласида мевали дарахтлардан юқори ҳосил етиштириб, мўмай даромад топаётган «Анушервон» фермер хўжалиги раҳбари муаллим-боғбон Саъдулла Расуловнинг издошлари, ҳамкасблари оз эмас. Абдумўмин Самиев раҳбарлик қилаётган «Фахриддин», Баҳром Саидов етакчилик қилаётган «Баҳодир», Обиддин Шомуродов раҳбарлигидаги «Ризвонул-ла-Баракатулла», Аловиддин Сангилов бошлиқ «Аловиддин Сарвар» фермер хўжаликлари аъзолари ҳам муаллим-боғбон Саъдулла Расуловдек собиқ Охунбобоев номли ширкат хўжалигининг эски, яроқсиз, паст ҳосилли боғларини хусусийлаштириб, бугун бу фермер хўжаликларининг ҳар бири 18-20 тоннадан сабзавот ва олма, узум йиғиб олиб халқимизни мева-чевага бўлган эҳтиёжини қондириш, бозорларда арзончиликка эришиш йўлида ўз ҳиссаларини кўшишмоқда. Шубҳасиз, тонналаб мева етиштирган фермер хўжаликларининг даромади ҳам меҳнатига яраша бўлмоқда.

— Ўтган йили боғларимиз серҳосил бўлди. 12 тонна олма, 20 тонна хурмо йиғиштириб сотдик. 5 гектар-

Асал — она табиат томонидан инсонга инъом этилган бебаҳо неъмат. Хушбўй, шифобахш ширинликни етиштириб берувчи боларилар гоят меҳнаткаш ва аҳил-иноқлиги билан кишини ҳайратлантиради. Улар ҳаво орқали тебранишни ҳис этиб, ҳиддан тез таъсирланишади. Кўриш қобилияти ҳам яхши ривожланган.

Она асалари бироз каттароқ бўлиб, оилада малика ҳисобланади. Унга бошқалари буйсунади. Уясида айланиб юрганида канизақлари мўйловлари билан силаб-сийпаб йўл кўрсатишади. Овқатини чайнаб бериб, меҳр билан парваришлайди. Уруғдан чиққан личинкалар дастлаб ночор бўлиб, секин-аста она арини ялаб, аста-секинлик билан унинг ҳидини эслаб қолишади. Ҳид билиш қобилияти бора-бора таниб олиш имкониятини беради.

Малика ҳар бир арига вазифа тақсимлаб, ўз қароргоҳида қатъий назорат ўрнатади. Чунки эътибор ва назорат сусайганда, бошбошдоқлик юзага келиши мумкин.



Бебаҳо неъмат

Айни баҳор чоғи. Табиат уйғониб, тириклик нишонлари пайдо бўлади. Ўсимликлар авж олиб, чаманзорга айланади. Бепоеён кенглик ва баландликлардаги адирлар барча ҳашаротларга саховат кўрсатади. Заҳматкаш асалариларни ҳам гулларнинг хушбўй ифори ўзига жалб қилади. Офтоб нурида тобланиб, камҳаракат ва нозик қанотларини учиш учун ҳозирлайдилар. Чунки муваффақият кўпроқ уларнинг ана шу нозик қанотларига боғлиқ.

Асаларилар гулдан-гулга қўнганда, митти панжаларига гулшира ўрнашиб, ўсимликни чанглантиради. Ўз навбатида, мумкатаклар шифобахш асалга тўлади.

Қутидаги уялар улкан қурилмани эслатади. У яхлит организмни ташкил этади, дейилса муболаға бўлмас. Асаларилар галаси бир қарашда тартибсиздек кўринсада, уюшган жамоани эслатади. Улар ҳаёти қисқа бўлиб, балки шунинг учунми, кун билан меҳнат қилиб чарчоқ нималигини билишмайди. Ҳар бирининг тақсимланган вазифаси бор. Жумладан, янги дунёга келганлари митти қанотлари кучга тўлгунча уяда тозалikka жавобгар. Она ари уруғ қўйиш ва назорат ўрнатиш билан машғул. Қолганлари шарбат ташиб, гулчангини йиғишади. Улар асалбоп ўсимликлар ҳақида бир-бирларига хабар берувчи мураккаб сигнал системасига ҳам эга. Хоналарни шамоллатиб мўътадиллаштириш,

эшик олдида «кўриқчилик» қилиш каби қатор вазифалар ҳам ўзаро тақсимланган.

Беозор ҳашаротлар йўлида онда-сонда бўлса-да, хавф-хатарлар учраб туради. Чумқусимонлар оиласига мансуб узун тумшукли олақанот қарқуноқ энг хавфли кушанда ҳисобланади. Асаларихўр куш кик-киклар баланд овозда уларни таҳликага солади. Кўпинча асалари боқувчиларнинг хушёрлиги уларни бу хавфдан сақлайди.

Қовоқари ҳам улар учун хатарли. Лекин асалари йиғилган озуқасини осонликча олдириб қўядиганлардан эмас. Хавф пайдо бўлганда, лашкар бошлиғи асаларилар тўдасини огоҳ этади. Асаларилар ҳавода катта тўдага айланиб, душманга бараварига ташланишади.

Қутилар атрофида тинчлик ва осойишталик узоққа чўзилмайди. Айғоқчи қовоқари бу сафар юзлаб лашкарни бошлаб келади. Асалари ниши рақибиникидан анча заиф. Она ари ҳам унга бас келолмайди. Бир тўп асалари ғужгон бўлиб она арини ҳимоя қилишга ўтади. Қутилар таги эса бош ва таначаларга тўлиб кетади. Фермер тутун ёрдамида қовоқариларни ҳайдаб, асалари оиласини сақлаб қолмаса, оилага қирон келиши ҳеч гап эмас.

Жиззах вилоятида асаларичиликка ихтисослашган 27 та фермер хўжалиги бўлиб, уларда йилига 200 тоннадан зиёд асал етиштирилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида асал етиштирувчи кичик фермер хўжаликлари сони яна 11 тага кўпайгани қувонарли ҳол.

Мутахассислиги бўйича ветеринар врач Х.Сулаймонов чорак асрдан буён кичик фермер хўжалигига раҳбарлик қилади. Асаларичилик унга ота касб. Ҳофиз ака ўзи истиқомат қиладиган Жиззах шаҳрининг Алишер Навоий номидаги маҳалласида яшовчи кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларни ҳамда 8-сон «Ниҳол» тарбия масканини шифобахш озуқа билан таъминлайди.

— Жиззах асаланиннинг доривор хусусиятлари кўп, — дейди яна бир асал етиштирувчи Ризахон Фарсаҳонов. — Воҳамизда шунга мос асал берувчи гиёҳлар тури ҳам мўл-кўл. Бирок, катта ўзбек тракти бўйлаб Фаллаорол туманининг Бахмалсой ва Заргарсой қишлоқлари ичидан ўтгудек бўлсангиз, шакардан тайёрланган қиёмни «тоза асал» деб сотаётган тижоратчи «асаларичи»ларни учратиш, таъбингиз хира тортади.

Дарҳақиқат, фермер ҳақ гапни айтди. Шу ўринда савол туғилади. Нега асалга сертификат бериш изчил йўлга қўйилмаган? Асални текшириб, сотувга рухсат бериш шунчалар қийинми? Ҳар ҳолда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида бу муаммо ҳам ечимини топса, бундан фақат истеъмолчи манфаат кўрган бўларди.

Абдулла САИДОВ

Асаларичиларга маслаҳатлар

Асаларичи ҳаво ҳарорати 12-14 °C бўлганда асалари оиласини тўлиқ баҳорги тафтишдан ўтказиши лозим. Паст ҳарорат ва шабада эсган пайтда оилани кўздан кечириш уя ичи совуб қолишига олиб келади, оқибатда оиладаги насл музлаб, асаларилар кўп безовталанади.

Баҳорги тафтишни асосан асалари парвози яхши бўлмаган оилалардан бошлаш керак. Тафтиш даврида уяда асаларилар тўлиқ эгаллаган ромлар сонига қараб, оила кучи, уянинг умумий аҳволи ва озуқа билан таъминланишига баҳо берилади. Уядаги ромлар вақтинча олиб қўйилади. Уя туби ахлатдан ва нобуд бўлган асаларилардан тозаланади ва уядаги учиш туйнукчалари 1-2 та асалари ўтадиган даражада торайтирилади. Асалари оиласининг тўлиқ аҳволи махсус журналга қайд этиб борилади.

Асалари оиласида она асаларининг бор-йўқлигини 1-2 та ромни кўздан кечириб билиш мумкин. Агар оилада ёш личинка ва тухум бўлса, демек она асалари бор, ёки аксинча. Оилада она асалари бўлмаса, захирадаги она асалари ёки нуклеуслар қўшиб юборилади. Агар нуклеус ёки захира она асалари бўлмаса, оила бошқа оилага қўшиб юборилади. Оилаларни қўшишни асаларилар учиб чиқиб, ўз жойларига кўникиб қолганда амалга ошириш мақсадга мувофиқ.


Одатда март охири апрел ойи бошларига келиб, қишлоқдан чиққан барча ишчи асаларилар нобуд бўлиб, ўрнини янги ёш асаларилар эгаллайди. Бу пайтга келиб асаларилар сони ортмайди, балки камайиб кетади. Бирок, асалари оиласи таркибида муҳим ўзгариш юз беради — бу оила ёшаришидир.

Баҳорнинг ўзгарувчан ҳавосида асаларининг ривож учун оилани доимий иссиқ ҳолатда сақлаш талаб этилади. Бунинг учун оиладаги ромлар тўлиқ асал билан қопланиши лозим. Уядаги ортиқча ромларни камайитириш, уянинг совушига олиб келади. Бунинг учун биринчи навбатда, ифлосланган, мағор босган, нотўғри қурилган ва бошқа яроқсиз ромлар олиб ташланади. Гулчангли ромлар қолдирилади, чунки улар баҳорда ёш авлодни озиклантириш учун муҳим озуқа манбаидир.

Битта рамкадаги асалари наслини ўстириш учун битта асал озуқали ром бўлиши лозим. Об-ҳаво яхши бўлиб, асаларилар ўзларига керакли озуқани, илк гулчанг ва шира берувчи ўсимликлардан йиғиб олишса, мақсадга мувофиқдир. Совуқ, ёғингарчилик бўлган кунларда, уларга рамка устидан асал озуқаси бериб турилади.

Об-ҳаво қулай келиб, асалариларнинг фаол учишларига имконият туғилса, дарахтлар гуллагунга қадар суяқ шакар шарбати бериш мумкин. Кундалик шакар шарбати бир меъёрдаги озуқа таъминотини вужудга келтириб, она асаларилар фаолроқ тухум қўйишга киришади. Оилада озуқа етарли бўлган тақдирда 100-150 грамм миқдорда шакар шарбат берилади, озуқа захираси оз бўлганда унинг миқдори кўпайтирилади. Шакар шарбати оз-моз нордонроқ бўлгани маъқул (10 килограмм шакарга 3 грамм сирка қўйилади).

Асалари оиласида ёш асалари наслининг миқдори кўп бўлганда, асаларилар сувга кўпроқ эҳтиёж сезади. Шунда асаларизордаги сувдонга қайнатилган илиқ сув солиш мақсадга мувофиқ. Бунда оддий самовардан фойдаланиш мумкин. Самоварга кунига бир маротаба сув солиб, озгина олов билан сувни иситиш kifоя. Ҳатто совуқ ҳароратда ҳам асаларилар сувдонга кўниб, илиқ, шўрланган сувдан сувланиб олган, исинди ва уюсига бемалол ётиб олади. Сувдонда илиқ сув бўлмаган тақдирда, айниқса, такрорий совуқларда асаларилар ариқ, қўлмак ва ҳоказолардан сув ичишга мажбур бўлади. Совуқ сув таъсирида асалари нобуд бўлиши мумкин.



Чор-атроф — боғ

Сирдарё туманидаги 25-умумтаълим мактаби жамоаси 75 сотих майдонда кўркам боғ барпо этди. Боғда 20 минг туп олма, ўрик, шафтоли, нок, беҳи, гилос каби мевали дарахт кўчатлари парваришланмоқда. Мактаб жамоаси ҳар бир қарич ердан унумли ва самарали фойдаланмоқда. Мевали дарахтлар орасига эртаги сабзи, пийёз, картошка ва кўкатлар экилди. Таълим масканида 8 сотих майдонда иссиқхона ҳам бунёд этилди ва лимон кўчатлари ўтказилди.

Кўкаламзорлаштириш ишларида Аҳмад Холмирзаев, Фанишер Нарзуллаев, Ўктам Каримов, Олтибек Эгамқулов каби ўқитувчиларнинг ҳиссаси катта бўляпти. Мактаб жамоаси боғ, томорқа ва иссиқхона-

дан олинadиган даромадларни таълим масканининг моддий базасини яхшилаш, иқтидорли ўқувчиларни рағбатлантириш ишларига сарфлашни режалаштирган.

Туманнинг 26-умум-

таълим мактабида ҳам янги боғлар барпо этилди. Улар мактаб чиройига чирой қўшмоқда. 7 сотих майдонда ташкил этилган иссиқхонада турли кўкатлар, сабзавотлар, гул кўчатлари парваришланяпти.

Мактаб жамоаси терак, тол қаламчалари ва гул кўчатларини сотиш ҳисобидан катта даромадга эга бўлмоқда.

Анорбой НОРҚУЛОВ,
«Ishonch»нинг
жамоатчи мухбири



Хаёт бир текис эмас. Баъзан бемаъни қарорлар қабул қилишга ҳам тўғри келади. Бунинг учун аввал қариндош-уруғлар олдидан ўтилади, маслаҳат сўралади. Негаки... ажралиш нафақат ота-она ҳаёти, балки фарзандларнинг руҳий дунёсини ҳам алғов-далғов қилиб юборади.

нинг ўзбек оилаларида бундай эмас. «Келинлар кўзғолони» қахрамони Фармон буви айтгандек: «Ўзимиз боқдикми, велосепитини ҳам ўзимиз олиб берамиз» қабилда иш тутишади.

Ҳар бир ажрашган ота-она орқасида катта кучлар бор, улар ажралган томонларни ҳимоя қилишади. Уларга йўл кўрсатишади. Кўпчилик ўз томонини ҳимоя қилиб, қарши томонни ёмонлашга тушади, улар ҳақида ёмон гаплар тарқатишади.

Шуни ёдда тутиш керакки, бола отаси билан учрашиш вақтини аниқ бил-

Дока рўмол қуригунча дарё ўзанидан чиқиб кетмасин

Хўш, эр-хотин ажралаётганда нимага аҳамият бериши керак? Болаларига нима дейиши керак?

Энг аввало, ота-она яқинлари қатори ўз зурриёидан ҳам фикр сўраши керак. Тўғри, бола катталарнинг ўзаро муносабатларини унчалик англаб етмаслиги ҳам мумкин. Аммо уларнинг ҳам ўз орзулари, болаларча содда ва самимий дунёлари бор. Мисол учун, мактаб ёшидаги бола тасаввурда оила муқаддас саналади. Ота-онаси ажралган Дилфуза исмли 12 ёшли қизча шундай фикрлайди: тўйда келинга кувёв узук тақади, ажралганда эса узук ечилади.

Болалар тасаввурларидаги бу ҳолат оддий туюлсада, лекин катталар ажралиш вақтида ўз фарзандларига буни тўғри тушунтиришлари керак. Токи, фарзанднинг кўзидан ёш оқмасин, ўзини камситилгандай ҳис этмасин.

Болага содда, тушунарли тарзда ажралиш сабабини етказиш лозимки, унинг ота-онаси энди эр-хотин бўлмаса ҳам, унга ота-она бўлиб қолаверишини бола англаб етсин. Бу унга руҳий қувват беради, дунёда яққаланиб қолмаётганини ҳис этади.

Рухшунос олимларнинг изланишлари шуни кўрсатдики, ажралаётган оила фарзандларининг кўпчилиги ота-онасининг ажралишига ўзларини айбдор сезишаркан. Қамариддин исмли 15 ёшли ўспирин шундай дейди: «Мен отам кетиб қолганидан эмас, балки кейин онам ҳам кетиб қолишидан кўрқаман».

Ажралиш давридаги энг катта хато, бу — кетиб қолган отага болаларнинг муҳаббатини сўндириш, уни ёмонлашдир. Шуни унутмаслик керакки, ҳар бир бола ўз ота-онасини бирдек яхши кўради.

«Сен ўз ҳаракатинг билан ярамас отанга ўхшаб кетасан», «Сен тугилмаганимда мен ҳам эркин қушдек юрардим», «Ярамас отанг бизни ташлаб бошқасига уйланиб олди» деган сўзлар бола тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Бу таъна-дашномларни эшитаётган болада ўзига ишонч йўқолади.

Ажралаётган ота-она ақл билан иш тутиши керак. Бола отасини ёмонлаб, руҳан изтироб чекаётганда ҳам унга далда бўлиш лозим: «У сенинг отанг, унга бундай салбий баҳо беришга ҳақинг йўқ. Ёмон болаларгина ўз отасини ёмонлайди».

Энг адолатли йўл — ота-она ажралишдан сўнг болани отаси билан учрашиб, гаплашишига қаршилиқ қилмаслик, унга шароит яратиш. Ажралган она эса, афсуски, кўпинча бундай учрашувни маън қилади.

Иккинчи катта муаммо — ажралган ота-онанинг турмуш қуриши. Бу ҳолат болаларнинг руҳиятига салбий таъсир қилади. Кўпинча бу воқеа фарзандларда қандайдир адолатсизлик рўй бераётгандек ҳиссиёт уйғотади.

«Болам ҳамиша меники бўлиб қолаверди...». Бу — оиласи билан ажралган оталар ўртасида кўп учрайдиган «эртас». Оталар бу сўзларини ўқиб хафа бўлишмасин, лекин бу ҳолат энг кўп учрайдиган хомхаёллиқдир. Уларнинг фикрича, хотини билан ажралиши фарзандлари билан мулоқотда бўлишига таъсир қилмайди. Минг афсуслар бўлсинки, биз-

са, бунга ишонса, ўзини енгил ва руҳан озод ҳис қилади. Айниқса, мактаб ёшига етмаган болалар учун бундай учрашув катта руҳий куч бағишлаши олимлар томонидан аниқланган.

Бунинг учун ота календар сотиб олиб унга учрашув куни ва соатини белгилаб чиқиб, буни фарзандига совға қилса, бу болага катта хурсандчилик бағишлайди.

Кўпинча ажрашган ота-оналар учун фарзанд «йўлтўсар тош» хизматини бажарадиган инсон бўлиб қолади. Ҳар иккала томон бор кучи, имкониятини ишлатиб, болани ўз томонига эгиб олишга ҳаракат қилади. Бу руҳий эзилган болани эсанкиратиб қўйиши ҳеч гап эмас. Болани ўзига бўйсундириб олиш билан қарши томондан «ўч олишади» гуё.

Ажрашган ота-она болани бир-бирига тортиш арқони қилиб қўймаслиги керак! Эсингизда бўлсин, фарзанд — ягона, у фақат отаси ёки онасини яхши кўра олмайди. Шу сабабли боланинг муҳаббатини ягона қилиб бўлмайди. Кўпинча у ёки бу ота-она болага ким яхши-ю, ким ёмон, кимни севиши керагу кимни ёмон кўриш зарурлигини ўқитишади. Болани бир-бирдан қизганиб, ўзига оғдириб олиш тўғри эмас.

Ота-онасининг оғир ва мураккаб муносабатларига болаларни қўшиш яхши эмас. Агарда олдинги эрингизга телефон қилиш қийин бўлса, уни болангиздан илтимос қилманг, бу нотўғридир. Фарзандингиз отаси билан учрашувга чиқиб келгандан сўнг, ундан отаси билан нималар ҳақида сўзлашганини ўзи айтиб бермагунча, қовлаштириб сўраманг. Сизга бўлган воқеаларни гапириб бераётганда фарзандингиз ўзини «сотқин» деб ҳис қилади. Бундай «сотқинлик» фарзандингиз характерида ва хулқида салбий таъсир қилиши мумкин.

Ёш боладан «сирдош» агент сифатида фойдаланишингиз нотўғри. Эрингизга нафратингиз, ёмон гапларингизни катта ёшдаги ўртоқларингизга айтинг, лекин фарзандингизга эмас! Она фарзандига ажралиш сабаби, ким айбдорлиги, кимга кўнгили қўйгани-ю ажралишининг майда-чуйда ишларини гапирмагани маъқул. Тўғри, фарзандлар ҳақиқатни билишлари керак, лекин унга боғлиқ «қўрқинчи», «даҳшат» нарсаларни, очикчасига бўлган ишларни гапира кўрманг. Чунки, сиз айтган «даҳшат» гаплар, маълумотлар уларнинг миёсидан ўтириб қолиши ва кейинчалик газабга айланиши, қасос олиш даражасигача етиши мумкин.

Агар ажралган ота ёки она юрагидаги «дарди»ни бировга айтиши шарт бўлса, бунинг учун мутахассис руҳшуносга мурожаат қилиши керак.

Бола — азиз, тарбияси, саломатлиги, унинг беғубор болалик дунёсини асраб-авайлаш ундан ҳам азизроқдир. Оиласидан ажралган ёки ажралаётган ота-оналар буни ҳамиша ёдда тутишлари зарур. Чунки, у сизнинг фарзандингиз. Ўзига душманлик эса ўз илдизига болта уришдир.

Т. ИБРОҲИМОВ

Масофа-ю, манзилларни ортда қолдириб бу ерга келганлар фақат бир нарсани — китобни сўроқлайди.

Саодат манзили сари йўл

Қарийб бир юз қирк йил муқаддам Тошкент жамоат кутубхонаси сифатида иш бошлаган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳамон халқимиз онгу-шуурини нурга тўлдириб келмоқда. Айни пайтда кутубхонанинг умумий фонди жаҳон халқларининг 75 тилдаги 10 миллион нусха китоб, журнал ва газеталардан иборат бўлиб, улардан 3,5 миллиондан ортиғи Республика Миллий китоб палатасида сақланмоқда. Кутубхона Халқаро китоб айирбошлаш тизимига аъзо сифатида йигирмадан зиёд давлатлардаги 30 дан ортиқ ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйган.

Маърифат масканидаги ноёб ва нодир китоблар фонди кутубхонанинг фахри саналиб, у 250 мингдан ортиқ китобни ўзида жамлаган, шундан 16 мингга яқини нодир китоб ва кўлёмалар бўлими таркибига киради.

Шуни ҳам қайд этиш зарурки, кутубхона фаолиятини такомиллаштириш, уни замон талаблари даражасига кўтариш ҳамда ноёб кўлёмаларни сифатли сақлаш ишларини ташкил этишда ҳукумат даражасида қаратилётган эътибор бирламчи асос ҳисобланади. Жумладан, Республика Президентининг 2006 йил 20 июндаги «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қароридан сўнг тизим фаолиятида туб ўзгаришлар юз берди. Бу ҳақда кутубхона директор ўринбосари Малика Матмуродова шундай дейди: — Бугунги кутубхоначи нафақат китобларни сақлаш жараёнида иштирокчи, балки китобхонларни китоблар оламига олиб киришда ўз ҳиссасини қўшувчи маърифатпаравар бўлиши ҳам лозим. Ҳозирда йигирмадан ортиқ бўлим ўз йўналишида ўқувчиларга хизмат кўрсатмоқда. Албатта, китобларни сақлаш фаолиятимиздаги муҳим ишлардан биридир. Бизгача етиб келган кўлёмалар, аждоқларимизнинг маданий мероси замонавий технологиялардан кенг фойдаланган ҳолда сақланмоқда. Масалан, электрон каталоглар, электрон ресурсларни яратиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Айни шу йўналишда 1998 йилдан бошлаб, кутубхонамизда «Ирбис» (Автоматлаштирилган кутубхона каталогини тузиш) дастури асосида электрон каталоглар яратилди. Унда 120 мингдан зиёд ҳужжатларнинг библиографик

тавсифи берилган бўлиб, унинг ёрдамида фонддаги адабиётларнинг электрон маълумотлар базаси яратилди. Қисқа вақт ичида йигирма хил қидирув йўли орқали калит сўз, сарлавҳа, йиллар ёки нашриёт номлари билан зарур манбаларни топиш мумкин.

Жорий йилнинг январ ойидан бошлаб, Республика ахборот-кутубхона маркази ҳамда Миллий кутубхона каталогизаторлари билан бирга, 1970 йилдан 2000 йилларгача бўлган даврдаги китобларнинг ретроконверсияси яратилди. Буларнинг барчаси кутубхонамиз фаолиятидан фойдаланувчилар учун кенг қўламли имкониятларни яратиб беради албатта.

Халқаро ҳамкорлик ишлари ҳам кутубхона фаолиятида муҳим аҳамиятга эга. Шу кунга қадар Малайзия, Польша, Эрон, Миср, Россия, Қозоғистон, Украина миллий

кутубхоналари билан ўзаро битимлар имзоланган.

Хусусан, шу йил 5 майдаги Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг ташрифи давомида Миллий кутубхонамиз

ҳамда Туркменистон Миллий кутубхонаси ўртасида ўзаро англашув меморандуми ҳам имзоланди. Мазкур ҳужжат халқаро китоб алмашинуви, илмий ютуқларни амалиётга жорий этиш, ўзаро тажриба алмашиш, қолаверса, икки қардош халқ ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Дарҳақиқат, берилаётган эътибор туфайли, бугун кутубхоналар том маънода кадр топди. Бу борада Миллий кутубхона учун янги кўриниш касб этган, замонавий имкониятларга эга бино қурилиши бошланганлиги ҳам фикримиз далилидир. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва ғояси асосида бунёд этилаётган ушбу бино архитектуравий муҳандислик ечимига кўра ноёб иншоот. Пойтахтимиз марказида қад ростлаётган бинонинг қурилишини лойиҳалашда китобларнинг мўътадил сақланишига, адабиётлар учун маълум шароитлар яратилишига, китобхонларга хизмат кўрсатиш сифатини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу ўринда айтиш мумкинки, кишилар маънавиятини юксалтиришда восита, маърифат сарчашмаси саналмиш кутубхоналар ўтмиш ва келажак учун олтин кўприк бўлиш баробарида, инсонларни мутолаа сари чорловчи саодат манзили ҳамдир.

Н. АСАДОВА

«Куш уясида кўрганини қилади»

«Куш уясида кўрганини қилади», деб бежиз айтмайди халқимиз.

Шахсни тарбиялашда унга ҳурмат кўрсатиш катта аҳамият касб этади. Агар шахс ўзига нисбатан оилада, мактабда ёки маҳаллада камситилишни сезса, у ҳам ҳеч кимни ҳурмат қилмай қўяди. Шунинг учун бола ёшлигидан ўзининг инсон эканлигини, бошқа тирик мавжудотлардан ақли, билими, фикрлаши ва бошқа қобилиятлари билан ажралиб туришини билиши шарт. Бу хислатни уларда ота-оналари шакллантириши керак.



Болада ёшлиқдан жавобгарлик, интилиш, изланиш, мақсадга эришиш ҳиссиётларини уйғотиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, ота-она оилада бирор топшириқ берса, мактабда ўқитувчи дарсларни тайёрлаб келишни талаб қилса, натижасини назорат қилса, албатта, бола топшириқни бажариш кўникмасини ҳосил қилади. Шундагина у ўз мажбуриятини, бурчини бажаришга кўникма ҳосил қилади.

Айниқса, бола тарбиясида ота-онанинг бир-бирларига бўлган муносабати катта аҳамият касб этади. Чунки, бола ҳаётида оилада кўрган тарбиясини ишлатади, ота-онасига ўхшашига ҳаракат қилади. Ачинарли ҳолат шундаки, айрим ота-она боласининг олдида бир-бирига кўпол муносабатда бўлишади. Бу муносабатни кўрган бола эр-хотин уришиши, бир-бирларини ҳақорат қилиши табиий нарса деб билади ва ўзи ҳам келажақда оиласига шундай муносабатда бўлади.

Айрим оилаларда ота-она фарзандини ўзининг ҳукмига бўйсундиришга ҳаракат қилади. Масалан, бола мактабдан келгандан кейин бироз ўйнаб келишни ёки ўртоқларини уйига таклиф қилиб, бирга дарс қилишни хоҳлайди. Лекин, унинг хоҳиши ота-онасига ёқмайди. Ота-она боланинг истагига қатъиян рад жавобини беради.

Бу ерда боланинг «мени» — инсонийлик туйғуси завол топади, у ота-онасидан ранжийди, ҳатто уларни ҳурмат қилмай қўйиши ҳам мумкин. Чунки, бола ўзининг инсон эканлигини, унинг ҳам қандайдир ҳуқуқи борлигини билади. Сазаси



ўлган бола қайсар, гап қайтарадиган бўлиб қолади кўпинча.

Эътиборсизлик — иллатга доя

Одатда олим ота ёки она ўз ишига «муккасидан» кетганлиги сабаб, алоҳида овқатланади, ёлғиз ўтиради ва шу тариқа оиладагилардан узоқлашиб қолаётганини сезмайди. Бориб-бориб, бунга кўникиб ҳам кетади. Лекин, фарзандлари-чи?! Улар ота-онасининг меҳрига, муаммоларини бирга ҳал қилишига эҳтиёж сезишади.

Бундай шароитда бола ўз дардини бошқа, бегона инсонга айтишга мажбур. Бегона киши тўғри йўл кўрсатади, деб ким кафолат бера олади?! Балки уни йўлдан адаштириб, ёмонликка ундар.

Шундай ота-оналарнинг фарзандлари бошқача йўл тутиши ҳам мумкин. Ота-онасининг мансабидан кеккайиб, бошқаларни менсимайдиган, писанд қилмайдиган, худбинга айланиб қолиши мумкин. Бирор муаммо чиқса, «Отамга айтаман, ҳали сенларга кўрсатиб қўяди». Ёки «Мен фалончининг боласиман, қўлим ҳамма ёққа этади», каби мақтанишлар билан ўртоқларининг нафсониятига тегади.

«Сендан одам чиқмайди...»

Айрим ноўрин ишлатилган сўз боланинг ҳаётини ўзгартириб юбориши мумкин. Масалан, бола иккинчи синфда ўқийди, математика дарсини ўзлаштиришга қийналади. Ота унга дарс ўргата туриб, бошига бир уриб: «Сен нодонсан, «иккичи»сан, сендан одам чиқмайди», деб койийди. Шу бола келажақда отанинг гапидан ўзига баҳо бериб, билимга интилмайдиган инсон бўлиб чиқади.

Иккинчи мисол. Таниқли олим, бир неча илмий китоб ва дарсликларнинг муаллифи, юридик фанлар доктори, профессор ҳаётида ўзгаришга сабабчи бўлган воқеани гапириб берди.

Мактабда, саккизинчи синфда уни «иккичи» деб ҳайдашмоқчи бўлганларини, отаси ҳам унга танбех бериб, қаттиқ ранжиганида, бир ўқитувчиси ҳаммага қараб: «Бу бола ҳали буюк олим бўлади, мен кафилман» деб уни асраб қолган экан. «Шу ўқитувчининг сўзи, ишончини оқлаш учун ҳаракат қилдим. Мен олим бўламан, ҳаммага кимлигимни кўрсатаман, деб интилдим», дейди. Ҳар бир ғалабага эришганида, ўша ўқитувчисининг олдига бориб, раҳмат айтишни ҳеч эсдан чиқармас экан.

Кўриниб турибдики, боланинг

қандай инсон бўлиб етилишида катталарнинг ўрни жуда муҳим. Лекин, насаҳат ҳам ҳар хил бўлишини эсдан чиқармаслик лозим. Айрим ота-она, устоз болани олдига ўтқазиб қўйиб буни қил, буни қилма, деб унинг нафсониятига тегади. Бола эса ўзининг инсонлигини, унинг ҳам ҳуқуқлари, истаклари бўлишини, бошқалар ҳам муомалада буни инobatга олишини истайди.

«Кўр севги»

«Кўр севги» орқали ота-она шу даражада боласини севадики, унинг ҳар бир сўзи, хоҳиши улар учун қонун. Боланинг севгисидан маҳрум бўлмаслик учун ота-она унинг талабларига бўйсиниб қолганини ҳам сезмайди. Энг даҳшатлиси шундаки, улар боланинг севгисига эга бўлиш учун ундаги камчиликларни кўрмасликка ҳаракат қилишади. Яхши шароитда яшаган, «мени» биринчи даражада бўлган айрим болалар ҳуқуқбузарлик қилишдан ҳам тойишмайди. Ҳуқуқбузарлик асосида жавобгарликка тортилишини сезган ота-оналари эса яна эскича йўл тутиб, уни жазодан озод қилиш йўлини қидириб, не-не ҳаракатлар қилишмайди.

Масалан, 17 ёшда бир қизнинг номусига теккан жиноятчини, унинг отаси, суд жараёнида боласи шу қизга уйланиши, унинг гуноҳидан кечишларини, бундай ҳаракатни фарзанди бошқа қилмаслигини айтиб, ўғлини жазодан озод қилишга эришади. Бир йил ўтар-ўтмас, яна шу бола жиноят содир этади. Энди ёлғиз ўзи эмас, уч киши бўлиб бошқа бир қизнинг номусига тегади. Олдинги судда болани ҳимоя қилган ота сўзга чиқиб, судьяни айблади. Унинг тушунчасига қараганда, боласининг олдинги қилмиши учун жиноий жазо берилганда, у бугун оғир жазога тортилмас эди, жиноят қилмас эди.

Назаримизда, ота-оналар бурчларини бажараётганини бола сезиши лозим. Рўзгор тебратиш билан боғлиқ бор муаммоларни

фарзанд қалбан ҳис қилиши керак. Мана шу туйғунинг ўзи боладаги меҳр-муҳаббатни, аяш, ачиниш, ёрдам бериш деган тушунчаларни келтириб чиқаради. Бундай бола эртага ота-онасининг яхшилигига яхшилик қайтаради.

Баҳром 14 ёшга тўлганида меҳнат ҳуқуқига эга эканлигини ҳуқуқ дарси ўқитувчисидан билиб олди. Ота-онасига ёрдам бериш учун ёзги таътил келиши билан: «Мен ишга кирсам майлими? Кафеда ёрдамчи сифатида майда-чуйда ишлар қиламан», деб сўради. Ота-онаси розилик берди. Баҳром ҳар куни икки минг сўмдан иш ҳақи олиб, ёзги таътилда 160 минг пул тўлади. Шу пулга мактабга керакли кийим, китоб олди, оиладагиларга совға беришни ҳам унутмади. Баҳром оилага ёрдами текканидан жуда хурсанд, ота-онаси эса у ёзи билан кўчада санғиб юрмасдан, бўш вақтини унумли ўтказганидан мамнун.

Фарзанд — оила посбони, келажаги. У бу вазифани қандай удаллаши эса тарбияга боғлиқ.

О.КАРИМОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, профессор

Фарзандларингизга ўқиб беринг



Чумоли ва чигиртка

Чумолини Чигиртка Таклиф этди ўйинга.
Чумоли дер: — юмуш кўп,
Дўстим, бу гал қўйгин-а.

— Юргил, жўра, куйлайлик, —
Келди яна пешинда.
— Ўртоқ, қишни ўйлайлик,
Берма халал ишимга.

Тунда келган чоғида,
Ой оҳиста ботарди.
Чумолиной уватда
Хуррак отиб ётарди.

Жазо

Хиёбонни
Супурги
Топ-тозалаб
Супурди.

Жазолади
Чумчуқлар.
Безори
Қилмишини.

Кунгабоқар —
Безори
Писта чақиб
Тупурди.

Қолдирмасдан
Битта ҳам.
Қоқиб олди
Тишини.

Худойберди КОМИЛОВ,
Самарқанд вилояти Ургут туманидаги
97-мактаб директори



Алп келбатли, тим қора соқоли ўзига ярашган, кўмир билан ишлашига қарамай доимо оппоқ яқтак кийиб юривчи Усто Шариф дадаси, бобоси ва бобокалони Шамсиддин отадек темирчи эди. Унинг Бозори корд растасидаги устахонасидан куни бўйи одам аримасди. Бир томони Фиждувону Шофиркон, иккинчи томони Қоракўлу Олотдан деҳқонлар Бухорога келиб, Масжиди Калонда пешин намозини ўқиганидан сўнг устахона томон йўл олишарди. Улар зироатчилик, қурилиш ва рўзгор учун зарур бўлган асбоб-ускуналар — кетмон, ўроқ, белкуррак, болта, теша, тақа, оташкуррак, пичоқ ва бошқа нарсаларни Усто Шарифдан харид қилиб, растада бамайлихотир ўтирганларича, шогирдлар дамлаган кўк чойни хўплаб, ён-атрофдаги янгилликлар хусусида суҳбат қуришарди.

Тўғри, деҳқонлар бундай буюмларни жойлардаги темирчилардан сотиб олиши ҳам мумкин эди-ю, аммо Усто Шариф қўлидан чиққан буюм гоаят сифатли, бунинг устига унинг ўзи суҳбати жонлилиги мижозларни ўзига тортиб қўймасди.

1960 йилларнинг охирида, айна рамазон ойи бошида кител кийган бир раҳбар икки-уч солиқчи ҳамроҳлигида растага келиб, устанинг тинчини бузди.

— Инсон космосга учган бир пайтда даққиюсуздан қолган темирчилик маҳсулотларингиз ҳеч кимга керак эмас, — дея томдан тараша тушгандек гап қилди раҳбар. — Ахир завод ва фабрикалар бекорга қурилгани йўқ. Эртадан бошлаб, устахонангизни ёпасиз, вассалом.

Умрида раҳбарлар билан тортишмаган темирчи устахонасини ёпиб уйига жўнади. Ўн-ўн беш кун уйда илгари тайёрлаган буюмларини сотиб, тирикчилигини ўтказаятган Усто Шарифни кўққисдан вилоят давлат хавфсизлиги идорасига чақирди.

— Ҳаж зиёратига боришга рухсат сўраб, ариза ёзибсиз, — дея уста ҳали кабинетдаги стулга ўтирмай ўшқириб кетди масъул ходим. — Саудия Арабистонига бориб, ўша ерда қолиб кетсангиз, ўн бир нафар фарзандингизни ким боқадим?! — Биринчидан, мен Маккаю

Мадинага қолиш учун эмас, зиёратга бормоқчиман... — Уста ўзини босиқ тутишга қанчалик уринмасин, жаҳлини жиловлай олмади. — Иккинчидан, фарзандларимни бир умр ҳалол меҳнатим билан ўзим боққанман. Ҳеч қачон уларнинг оғирини бировнинг елкасига ортганим йўқ.

Шу кўнгилсизликдан кейин Усто Шариф оғир хасталаниб қолди. Кўнгли чўккан, таҳқирланган хунармандга муолажа ҳам, дори-дармон ҳам фойда бермади.

Ахволи оғирлашган уста ўғилларидан бири — педагогика институтини тугатиб, 11 йилдан бери мактабда рус тили ва адабиётидан дарс бераётган Шокирни хузурига чақирди.

— Ўғлим, шажарамизда мен номини билган авлод-аждоғларимиз 350 йилдан буён темирчилик касбида ишлаб келишган, — дея оҳиста гап бошлади қария. — Сенинг болалигинг устахонамизда босқон босиб, болга уриш билан ўтган. Касби-мизга меҳринг ҳам баланд. Агар устахонамизни қайта очиб, пиримиз — Ҳазрати Довуд алайҳиссалом касбини эъзозласанг, рўзгоринг бут, менинг кўнглим эса тинч, у дунём ҳам обод бўларди...

Шу тариқа Шокир Камолов отаси вафот этган 1982 йилда унинг устахонасидаги ўчиб қолган темирчилик ўчоғини қайта ёқди. Устахонада ўсиб-улгайгани боис отасининг ишини давом эттириш унга қийин бўлмади, шу касб кетидан рўзгорига барака кирди. Истиқлолнинг дастлабки йилларидан мамлакатимизда халқ амалий санъати ривожига кенг йўл очилгани барча хунармандлар сингари Шокир Камоловни ҳам янги ижодий изланишларга даъват этди. У деҳқончилик, қурувчилик асбоб-ускуналари, рўзгор буюмлари тайёрлаш билан бир қаторда, чет эллик сайёҳларга мўлжалланган сувенирлар, меъморий ёдгорликларни таъмирлашда ишлатиладиган зулфин, ҳалқа, мадохил, қуббалар ясаб, маҳсулоти турини кўпайтирди.

Шокир Камолов 1994 йилда касби туфайли ҳаётида илк бор хорижга чикди: Покистоннинг Исломобод шаҳрида ўтказилган «Хунармандлар иш устида» халқаро кўргазмасида қатнашди. 1995 йилда Швейцарияда ташкил этилган Ўзбекистон кўнларидеа темирдан яратган санъат асари — «Калон минораси узра парвоз этаётган ҳумо

қуши» композициясини намойиш қилди. Уста ташкил этган темирчилик иши музейга кўплаб хорижлик сайёҳлар ва санъатшунослар келиб кетишди. Оддий темирчи Россия, Украина, Германия, Франция, АҚШ, Чехия, Малайзия сингари мамлакатларда ўтказилган халқ амалий санъати кўргазмаларига таклиф этилди. Унинг қўлида жило топган рўзгор ва совғабоп буюмлар нафақат уста маҳоратини, балки ўзбек хонадони гўзаллигини ҳам чет элликларга намойиш этди. Шокир Камоловнинг миллий хунармандчиликни ривожлантириш, шогирдлар тайёрлаш борасидаги хизмати ва мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаол иштироки эътиборга олиниб, темирчи уста «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

Отаси учун армон бўлиб қолган ҳаж зиёратини адо этган Шокир Камолов ҳозир нафақада. Аммо устахонасини тарк этгани йўқ. Сулола давомчилари — ўғиллари Шавқиддин ва Завқиддин ишини кузатиб, уларга маслаҳат беради, темирчилик музейига кирган сайёҳларга хунармандчиликнинг бу қадимий тури тарихи, Бухоронинг номдор усталари ҳақида тўлиб-тошиб ҳикоя қилади.

Уста фарзандларининг касб-маҳорати ошиб бораётганидан фахрланади. Улар яқинда немис темирчиси Ахим Шварцдан оддий метални тоблаб, Дамашқ пўлатига айланттириш технологиясини ўрганиб, бу пўлатдан Бухоро пичоқларини ясай бошлашгани вилоят хунармандчилигида ўзига хос янгиллик бўлди.

— Куни кеча ҳаётимда унутилмас воқеа рўй берди, — дейди Шокир Камолов биз билан суҳбатда. — Катта ўғлим Шавқиддиннинг 2-синфда ўқийдиган Шамсиддин исмли ўғли бор. Унинг исмини темирчи авлод-аждоғларимиз шарафига шундай деб қўйганмиз. Ана шу неварам устахонага келиб, «Бобожон, энди мен ҳар куни дарсдан сўнг дадамнинг ёнига келиб, темирчилик касби сирларини ўрганаман. Ахир сизлар менга бекорга бобокалонимиз номини қўйган эмассизлар-ку», деса бўладими?! Жажжи болакайнинг гоаят самимий, аммо қатъият билан айтган бу сўзларидан кўнглим тоғдек кўтарилди. Демак, Шамсиддин бобо бошлаб берган темирчилар сулоласининг еттинчи авлоди ҳам Бухоро хунармандлари сафига қўшилади.

Абдужалил ХАЛИЛОВ,
Иззатулла ҲОЖИЕВ

Мактабдан қайтар эканман, почта биноси ёнидаги чинор тагида гурунглашаётган тўрт-беш қариянинг суҳбати диққатимни тортди.

— Ҳўш, почча, қишлоқдаги энг бой одам кимлигини билдингизми? — сўради Ҳамид бобо ёнидаги Ниёз бободан.

— Жартепадан Қуйлибойни айтсак бўлади. «Нексия»си, трактори, тегирмони бор. Сигири, қўй-эчкиси бир сурув. Ўғиллари топармон. Ана, ўтган йили пишиқ гиштдан иморат кўтарди, тўй қилди, — жавоб берди Ниёз бобо.

— Яхши, лекин ўша бойингиз элига, қишлоқдошларига нима қилиб берди, шуни айтинг?

— Энди, бу ёғини билмадим, қайним... — Мен ҳам бу саволга жавобни кўп ўйладим ва охири топдим.

— Ким экан у, биз ҳам эшитайлик. Дўстёров, — дея суҳбатга аралашди Тошпўлат бобо қўлидаги газетани варақлашдан тўхтаб.

— Домла Раҳимов. — Эй, шамоллаганмисиз?! Абди домла сизу бизга ўхшаган одам бўлса ёки тилло топганим? — луқма ташлади Мейли дўкончи. Ҳамид бобо жилмайди.

— Ҳа, тўғри айтасиз, муаллимнинг мол-дунёси йўқ, аммо топилмас «ҳазинаси» бор... Ўтирганлар сергак тортишди.

Топилмас «ҳазина»

— Ҳўш, нимаси бор экан? — сўради кимдир шошилиб.

— Домланинг эзгу ишлари, китоблари, тахлам-тахлам газета-журналлари ҳар қандай бойликдан қиммат туради. — деди Ҳамид бобо завқлииб. — Бир куни анчадан буён тополмай юрганам — бир китобни сўрадим. «Боринг, топамиз», деди. Бордим. Қўлимга 1952 йилда чоп қилинган нашрини тутқазди. «Йиртмайсиз, қандай ҳолатда олган бўлсангиз, шундай қайтарасиз», деб каттиқ тайинлади. Ўшанда кўрдим, бир уй китоб, китоб бўлгандаям энг ноёблари. Газета-журналларни айтмайсизми, бари тартиб билан жойланган. Китобни икки ҳафта ёстигимнинг тагига қўйиб, маза қилиб ўқидим.

— Раҳимов менинг кўшним, — деди Нурмон шофёр. — Яқинда қишлоқ кутубхонасига мингта китоб совға қилди. Яна мактабгаям икки мингта китоб бераман, деганмиш...

— Ўзи ҳам беш-олтита китоб чиқариб қўйди. Айниқса, ҳажвий масаллари жуда мароқли, ўқиб роҳат қиласан. Ҳали яна кўп китоби бормиш. Қанийди, бирорта савобталаб ҳомийлик қилса-ю, ўша қўлёмалар дунё юзини кўрса, яхши одамларнинг дуосини оларди, — дея хўрсинди Уста Ўроқ ва сўзида давом этди. — Домланинг ибратли ишлари кўп. Устози, шоир Абдулла қори Гулшаний ҳақида ўнлаб мақолалар эълон қилди, сахна асарлари ёзди, ғазалларини тўплаб нашр эттирди. Бундай машаққатли ишга ҳамма ҳам қўл уролмайди.

— Қолаверса, Абдибой Раҳимнинг Момахол Элмуродова. Йўлдошбек Кенжа, Сайфулла Ал-Мурод каби иқтидорли шоир, қаламкаш шогирдлари бор, — деди Тошпўлат бобо.

Суҳбат тизгини яна Ҳамид бобого ўтди: — Ниёз почча, домланинг етмиш йиллик тўйида қанча азиз меҳмонлар келди, бариси шеър билан, гул билан! Уша, Қуйлибой сизни тўйига айтдимми?

— Йўғ-а, шуни ўйламабман...

— Кўрдингизми, Абди домла бўлса одам танламайди. У кишининг кўнгли дарё! — суҳбатга яқун ясади Ҳамид бобо.

Кўпни кўрган кексаларнинг суҳбатини тинглаб, йўлимда давом этарканман, одам боласи дунёга келиб яхши иш, яхши ном қолдирсин экан, дея ўйлаб кетдим.

Ўролбой ҚОБИЛ,
Қамаши тумани



Энг катта бойлигимиз

Инсон соғлом ва руҳан тетик бўлса, қалбида яшашга иштиёқ ортади.

Шайхонтохур туман тиббиёт бирлашмасининг чоратдбирлари режасида аҳолининг соғлигини муҳофаза қилиш ва тиббий маданиятини ошириш бўйича қатор йўналишлар белгиланган. Жумладан, кўзи ожиз қариялар, нафақахўрлар ва ногиронларни, катаракта билан хасталанган беморларни реабилитация қилиш, профилактика ва даволаш тадбирларини амалга ошириш яхши йўлга қўйилган. Хусусан, аҳолини тиббий кўрикдан ўтказиш, шифохонада даволашни ташкил этиш, имтиёзли беморларнинг махсус тиббий марказларда ёрдам олишини таъминлаш тинимсиз ишлаш ва изланишни тақозо этмоқда. Бундан ташқари, хомилдор аёллар ва чақалоқларда касалликнинг олдини олиш, аниқлаш тадбирларини амалга ошириш, 2 ёшга бўлган болаларни профилактика эмлаши 100 фоизга етказиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг тиббий маданияти даражасини ошириш бўйича кўплаб ишлар бажарилди.

— Туманимиз аҳолиси асосан маҳалла шароитида яшайди, — дейди тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Гулнора Бурхонова. — Тасарруфимизда 18 ДПМ фаолият кўрсатади. Уларнинг 10 таси оилавий поликлиника, 5 таси

шифохона, 1 таси тери-таносил касалликлари диспансери, 1 таси болалар стоматология поликлиникаси, 1 таси ОИТС маркази ҳисобланади. Тумандаги шифохоналарда 815 та бюджет, 176 та хўжалик ҳисобидаги ва 63 та кундузги ўринлар мавжуд бўлиб, ўтган йилда бюджет ўринларида 42010 нафар, хўжалик ҳисобидаги ўринларда 6897 нафар, кундузги шифохонада 3382 нафар бемор соғломлаштирилди.

Туман аҳолиси сони 2009 йилда 284900 нафарни ташкил этган бўлса, 2010 йилда 289900 тага кўпайди. Шундан 68,3 фоизи катталар, 25,1 фоизи болалар ва 6,6 фоизи ўсмирлардан иборат. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурига асосан туман даволаш профилактика муассасаларини малакали тиббий ходимлар билан тўлиқ таъминлашга катта аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш ва соғлом авлодни шакллантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, шаҳар ҳокимининг 2009 йил 30 апрелдаги 229-сонли ва 1 июлдаги «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарорлари асо-

сида кенг қўламли ишлар олиб борилаёпти.

— Шифокор ўзига бириктирилган ҳар бир оила аъзосининг саломатлигига масъул ҳисобланади, — дейди марказий кўп тармоқли поликлиника бўлим бошлиғи Гуля Юсупова. — У ҳар бир оиллага кириб бориши, хонадон аъзоларининг саломатлигини чуқур ўрганиши, касалликларни вақтида аниқлаб ташхис қилиши ва даволаши, юқумли касалликларнинг олдини олиш бўйича тавсиялар бериши зарур.

Туман марказий кўптармоқли поликлиникаси қайта таъмирланиб, замон талабига мос жиҳозлар билан таъминланди. Шифокорлар махсус курс ва малака оширишга юборилди. Аҳолининг соғлигини муҳофаза қилиш, айниқса, хотин-қизларнинг саломатлигига эътибор бериш, соғлом оилани шакллантириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда Ф.Маҳмудова, Н.Файзибаева, Г. Юсупова, Р.Хайдарова каби шифокорларнинг фидокорона хизматини алоҳида тилга олиш мумкин.

Марказий кўптармоқли поликлиника невропатологи Назокатхон Файзибаевани кўпчилик яхши танийди. Хузурига даво истаб келган бемор шифокорнинг ширин каломидан руҳан энгиллик сезади.

— Невропатологининг қилаётган иши ўта масъулиятли, — дейди Н.Файзибаева. — Вазифамиз беморни тезда оёққа турғазити, уни соғлом ҳаётга қайтаришдир. Касбимни юқори даражада бажариш учун неврология кафедрасида билимимни оширдим.

Марказий поликлиника

бўлим мудури Ферузахон Маҳмудова ҳам олий тоифали шифокор сифатида кўп йиллардан бери халқ хизматида.

— Очiq чехрали Ферузахон Маҳмудова беморлардан ёрдамини аямайди, — дейди Айний кўчасида яшовчи Шоасқар Шомаҳмудов. — Қачон чиқмайлик, илиқ кутиб олиб, керакли маслаҳатларини дариг тутмайди.

Маълумки, ҳозирги замон тиббиёти ноёб ва ўта аниқ текшириш усулларига эга. Лаборатория таҳлиллари ёрдамида фақат касалликлар аниқланибгина қолмай, уларнинг нақадар жиддийлиги ва қандай ривожлангани ҳам ойдинлашади. Йил бошида кўп тармоқли марказий поликлиника янги УТТ аппарати билан бойиди.

Дилфуза Ибрагимова, 46-оилавий поликлиника бош шифокори, олий тоифали шифокор:

— Бир-бирига ўхшаш кўпгина касалликларга мутлақо бошқа-бошқа даво усулларини қўллаш керак. Масалан, қорин оғришига бактериялар, гижжалар ёки меъда-ичак йўлидаги дардлар сабаб бўлиши мумкин. Касалликнинг сабабини аниқлаш учун кўшимча ташхис, УЗИ, гастроскопия, микробиологик, гормонал текширишлар ўтказилади.

Баъзи касалликлар, масалан, эндокрин, онкологик, сийдик йўллари инфекцияси хасталиклари, унинг аломатлари узоқ вақтгача сезилмаслиги мумкин. Илк аломатлар ноаниқ бўлиб, одам салга толиқади, ҳолсизланади, яхши ухламайди. Кўпчилик бунинг сабабини чарчас ёки витаминлар етишмаслигидан деб

ўйлайди. Шу сабабли йилда бир марта умумий қон ва сийдик анализларини топшириб, соғлигини текширтириш зарар қилмайди. Аёллар ҳар йили гинекологик текширувдан ўтганлари маъқул. Ана шунда кўпчилик касалликлар эрта аниқланиб, даволаш осон кечади. Туманда жойлашган барча поликлиникада рентген, УЗИ, лаборатория ва бошқа ташхис усуллари фаол ишлаб турибди.

— Ходимларни ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратаймиз, — дейди марказий кўп тармоқли поликлиника касоба уюшмаси раиси, олий тоифали шифокор Дилбар Юсупова. — Айниқса, уларни спортга жалб қилиш кўнгилдагидек йўлга қўйилган. Туман миқёсида кўплаб турлар бўйича бўлиб ўтган мусобақада шифокор ва ҳамшираларимиз қатнашиб, учинчи ўринга сазовор бўлишди. Шунингдек, 2010 ва жорий йилда ходимлар ҳамда уларнинг фарзандларига Митрофанов номидаги сув ҳавзаси машқ тўғракларига йўланма тарқатилди.

Эътиборлиси, поликлиникада ишлаб пенсияга чиққан фахрий ҳамкасблар ҳамша эъзозда. Наврўз байрамида улардан 6 нафарининг уйига бориб, жамоамиз номидан табриклар келдик. Хотира ва қадрлаш куни мунобати билан поликлиника ишларида фаол қатнашаётган бир гуруҳ фахрийларга қимматбаҳо совғалар топширилди...

Тоҳир ИБРОХИМОВ, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Тобора такомиллашиб бораётган тиббиёт соҳасида янги усул ва технологияларнинг қўлланилиши касалликларнинг олдини олиш ва даволаш профилактикасида муҳим босқич бўлмоқда. Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти маслаҳатхона поликлиникаси илмий раҳбари Ҳамида ҚОЗОҚБОЕВА билан қилган суҳбатимиз ҳам айнан соҳада амалга оширилаётган ишлар, ютуқ ва муаммоларга бағишланди.

— Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институтимиз гематология соҳасида етакчи муассаса ҳисобланиб, республикада қон хизматини ривожлантириш, беморларга сифатли ёрдам кўрсатиш, гематологик ва онкологик хасталикларни даволаш йўлида фаолият олиб боради. Шу билан бирга, қон касалликлари лейкоз (қон саратони) ва гемофилия (қоннинг ирсий касаллиги) каби оғир касалликларга тўғри ташхис қўйиш ва лаборатория текширувлари амалга оширилади.

2004 йилда қон хавфсизлиги Миллий дастурининг қабул қилинганлиги боис ҳозирда вилоятларимизда олтита ҳудудий марказ ташкил этилиб, замонавий жиҳозланди.

— **Донорлик тиббиётнинг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. Юртимизда бегараз донорликни амалга ошириш, кишиларга унинг қулай ва зарарсиз эканлигини тушунтириш борасида қандай ишлар бажарилмоқда?**

— Киши организмидеги қоннинг ўрни ҳеч қандай дори-дармон ёки бошқа бирор восита боса олмайди. Шундай экан, беморларга қон улашиш, аввало савоб иш, иккинчидан, бу донорнинг соғлиғига ҳеч қандай зарар етказмайди. Киши организмидеги 4-4,5 литр қон бўлса, шундан 250 гр. қон олинади. Бунда қон берувчи организмидеги салбий таъсир

умуман кузатилмайди, балки янги ҳужайралар пайдо бўлиб, тизим фаолашади, қон қуйилиши каби хасталикларнинг олди олинади. Топширилган қоннинг

Донорлик, аввало, савоб иш

ўрни 5-6 соат ичида тикланади. Шу боис фуқароларимиз орасида бадалсиз донорликни хайрия йўлида амалга оширишда тарғибот ишлари муҳим ўрин тутади. Илгари бу жараёнга одамлар хавфсираш билан қарашган. Аммо кейинги йилларда донорлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Унда 18 ёшдан бошлаб ихтиёрий равишда қатнашиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, соғлом донорликни таъминлаш бугунги дунё гематология соҳасининг долзарб вазифаларидан бири саналади. Яъни, соғлом кишидан олинган қонгина беморнинг тузалишига ёрдам беради. Мисол учун, донор ёшлигида гепатит билан оғирган бўлиб, тузалиб кетган бўлса-да, барибир қоннинг таркибида вируслар сақланиб қолади. У бошқа организмда янгитдан «уйғонади» ва ўз-ўзидан бемор яна бир касалликка дучор бўлади. Шу сабаб қон хавфсизлигини таъминлаш, қоннинг таркибини яхшилаб текшириш соҳа вакилларида

қатъиян талаб этилади.

— **Бошқа хасталикларга қараганда, камқонлик касаллиги бизнинг минтақамизда кўп учрайди. Бу борада қандай амалий чоралар кўрилмоқда?**

— Кўрилган савб-ҳаракат, имзоланган дастурлар ва албатта, ҳукуратимиз томонидан қаратилган эътибор натижасида камқонлик кескин даражада пасайди. Анемияга сабаб қилиб нафақат витаминли озик-овқатларни истеъмол қилмаслик, балки кўп болалилик, фарзандлар орасидаги туғилиш йилларининг яқинлиги, иқлим ва экологиядаги ўзгаришлар ҳам

морларни даволаш бўйича GIPAP халқаро дастурида иштирок этаяпти. Айни пайтда мислелейкозга чалинган 400 нафар беморга Гливек препаратини бепул берилмоқда. Ҳамкорликда турли семинарлар ташкил этилиб, замонавий диагностика борасида кўника ва билимимизни ошираяпти. Мутахассисларимиз Россия, Япония, Германия, Чехия каби давлатларда малака ошириб келмоқда. Шунингдек, институтимиз ҳудудда Марказий Осиёда ягона тозаланган ҳаво билан таъминловчи, гематологик беморлар учун самарали даволаш имкониятини оширадиган бино қурилиши олиб борилмоқда. Унда катталар ва болалар учун ҳар бири 40 ўриндан иборат онкогематология бўлимлари очилди, замон талабига жавоб берадиган диагностика ускуналари билан жиҳозланган лаборатория ташкил этиш мўлжалланган. Бу беморларга янада қулайлик туғдиради ва айни пайтда, соғлиқни сақлаш тизими ривожига муносиб ҳисса қўшади.

Наргиза АСАДОВА суҳбатлашди

— **Соҳанинг янги босқичга кўтарилиши, замонавий талабга мослашиши учун халқаро ҳамкорлик катта наф беради. Шу ҳақда ҳам тўхталсангиз.**

— Чет эллик ҳамкасбларимиз билан олиб бораётган ҳамкорлигимиз ўзининг ижобий натижаларини бериб келмоқда. Жумладан, институтимиз Жаҳон гемофилия ассоциацияси аъзоси, Ново-Нордикс фонди билан ҳамкорлик йўлига қўйилган. 2004 йилдан буён сурункали мислелейкоз билан оғирган бе-



Максуданинг мақсади катта

Шу йилнинг 16-18 май кунлари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашига аъзо ва унинг тасарруфидоги ташкилотлар ходимлари ўртасида бўлиб ўтган Республика спартакиадасида Навоий вилоят кенгаши номидан иштирок этган Мақсуда Ҳамроева стол тенниси бўйича 3-ўринга сазовор бўлганди.

«Галабага бўлган интилиш учун» 1-даражали дипломини қўлга киритган Мақсуданинг ниятлари жиддий. Ёнига стол тенниси бўйича иқтидорли шогирдларини олиб, машғулотларга яна ҳам зўр берди.

— Беллашувлар чоғида фахрли ўринлардан бирига эришаман, деб сира ўйламагандим. Уч кунлик спартакиада давомида кўп дўстлар орттирдим. Фикрларим қатъийлашди. Келгусида ўз устимда ишлаб, маҳоратимни ошириб боришга, нафақат республикамиз, балки халқро беллашувларда ҳам иштирок этишга аҳд қилдим.

Усмон ЙЎЛДОШЕВ,
Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши мутахассиси

Термиз шаҳрида бўлиб ўтган «Баркамол авлод — 2011» спорт мусобақасининг кураш бўйича баҳсларида Тошкент шаҳри терма жамоаси умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритди. Шуниси эътиборлики, Мурод Дўсимбетов устозлик қилаётган пойтахт терма жамоаси 2005 йил Чирчиқда, 2008 йил Нукусда ташкил этилган «Баркамол авлод» спорт беллашувларида ҳам бош мукофот соҳиби бўлишганди.

Биз Республика Олимпия захиралари коллежи кураш бўлими бош мураббийи, Ўзбекистон ўсмирлар ва ёшлар терма жамоаси устози М.Дўсимбетов билан суҳбатлашдик.

Шоҳсупада чемпион устоз

— Мурод ака, Термиздаги спорт байрами ҳам тарих зарварақларидан жой олди. Шогирдларингизга осон бўлмагани аниқ. Рақиблар ҳақида фикрингиз...

— «Баркамол авлод» мусобақасида зафар қозониш учун уч босқичли ўкув-машғулот йиғинларида тайёргарликка зўр бердик. Дастлаб Тошкентда, сўнг Наманганда, кейин яна пойтахтда. Коллеж раҳбарияти барча шароитларни яратиб берди. Эътибор қилсангиз, Термизга ҳар бир жамоа энг кучли полвонларини олиб борган. Чирчиқ Олимпия захиралари коллежи дзю-дочиларидан тузилган Тошкент вилоят терма жамоасининг кучига ўзингиз баҳо беришингиз мумкин. Чирчиқлик дзю-дочилар орасида мамлакат биринчилиги голиб ва совриндорлари талайгина. Самарқанд ва Бухоро вилояти таркибининг аксариятини самбо ва дзю-до ҳамда кураш бўйича мамлакат ўсмирлар терма жамоаси аъзолари ташкил қилар эди. Полвонлар юрти бўлмиш Сурхондарё эса — мезбон...

Тўртта вазн тоифасида ўтган беллашувлар шогирдларим учун осон кечмади. 60 кг. вазн тоифасида Ҳасан Юсупов кумуш, 65 кг.да Сарбоз Жабборов

бронза, 71 кг. вазнда Шаҳбоз Саидмуродов олтин медалига эришган бўлса, +71 кг. вазн тоифасида Аваз Тоймуродов чорак финалгача чиқди.

— Сиз устозлик қиладиган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси 2010 йил Дехлида ўтган ёшлар ўртасидаги VI жаҳон чемпионатидан медаллар шодаси билан қайтди. Айтингчи, дунё спортда курашнинг ривожини қандай баҳолаш мумкин?

— Дехлида курашимиз йилдан-йилга тараққий этаётгани яққол намойён бўлди. Ўғил болалар ўртасида Япония, Эрон, Туркия, Бразилиядан ва ҳатто Африка қитъасининг бир неча давлатларидан яхши курашчиларни кўрдик. Қизлардан эса Полша, Монголия, Туркия, Хиндистон, Украина, Жанубий Африка Республикаси полвонлари менда илиқ таассурот қолдирди. Хиндистонда ёшларимиздан Шаҳбоз Саидмуродов, Шухрат Тўрабоев олтин, Ҳасан Юсупов, Малик Жўраев, Рифат Шарипов бронза, қизлардан эса Шаҳноза Султонова, Хуршида Чориева, Дилфуза Темирова кумуш, Дилдора Холиқова, Гўзал Пармонова, Нодири Ҳамроева жаҳон чемпионатининг бронза медалларига эришди.



Ифтихор

— Айни пайтда ёшлар терма жамоаси олдида яна қандай мусобақалар турибди?

— Шаҳбоз Саидмуродов, Беҳзод Ўролов, ўсмирлардан Жаҳонгир Шомуродов ҳамда Жобир Чориев Лондонда тўққизинчи бор ўтадиган анъанавий Ислоҳ Каримов турнирига ҳозирлик кўришмоқда. Июл ойида ёшлар ўртасида навбатдаги мамлакат чемпионати ўтади ва биз терма жамоага янги номзодларни кўздан кечирамиз.

— Яқинда Республика Олимпия захиралари коллежини бир гуруҳ иқтидорли шогирдларингиз битириб кетишди. Уларга муносиб ўринбосарлар дея кимларни таъкидлаган бўлардингиз?

— Аброр Жабборов, Рўзимурод Нормуродов, Беҳзод Ўролов, Азим Убайдуллаев, Отабек Мардонов, Илхом Соатмуродов, Сарвар Жумаев, Умид Сатторов каби республика биринчилиги голиб ва совриндорларини умидли курашчилар сирасига киритиш мумкин. Улардан Ўзбекистон шарафини улуғлайдиган моҳир курашчилар етишиб чиқишига ишонамиз.

«Ishonch» мухбири
Акмал АБДИЕВ суҳбатлашди.

Мақтабимиз давлат таълим стандартлари асосида 2008 йилда қайта таъмирланди. Натижада тўқилай-тўқилай деб турган бино ўрнида кенг ва ёруғ, жамоли кўзни кувнатадиган маскан қад кўтарди.

Самарқанд вилоят фудокан-каратэ-до федерацияси раҳбарияти билан келишган ҳолда мактабнинг замонавий спорт залида машғулотлар йўлга қўйилди. Истеъдодли мураббий Ойбек Ҳакимов спортга мойиллиги бор ўғил-қизларни шугуллантира бошлади.

Бугун мактабимизнинг ўндан зиёд ёш чемпионлари бор. Спортнинг оммавийлигини ошириш учун кенг ва файзли залимида тез-тез мусобақалар ўтади.

Яқинда мактаб спорт залида фудокан каратэ-до бўйича Тешабой Асадов хотирасига бағишланган турнир голиблари аниқланди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили ҳамда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан

ташкил этилган мусобақада вилоятнинг 100 нафарга яқин фудоканчилари якка ва жамоавий ката ҳамда кумитэ, шунингдек, юқори ката ва «энбу» йўналишларида омадини синаб кўришди. Тешабой ота билан «Хўжа Абду Дарун» маҳалласида яшаганмиз. Отахон телпак тикарди. Ҳалол меҳнат билан тўрт қиз, бир ўғлини эл орасига қўшди. У фарзандларига фақат яхшилик қилишни, ҳавас билан яшашни ўқитиб келган. То умрининг охиригача элнинг тўю-маъракаларига бош-қош бўлди, етим-есирларнинг суннат ва никоҳ тўйларини ўз ҳисобидан ўтказиб берди. Тешабой отанинг фарзандлари ҳам одамоҳун бўлиб вояга етди. Ўғли Акмалжон ёшлигида спортнинг оғир атлетика тури билан шугулланган. Шу боис, маҳалладаги ёш спортчиларга эътибор қаратади. Ногиронларга байрамларда қимматбаҳо совғалар бериб, уларнинг кўнглини кўтаради.

Тешабой бобонинг набирилари билан Зайнура Тешаева —

мактабимиз фахри. Тошкент шаҳри, Навоий вилоятида ўтказилган республика биринчиликлари билан шода-шода медаллар билан қайтган. З. Тешаева фудокан-каратэ-до бўйича уч карра Ўзбекистон чемпиони, икки бор мамлакат кубоги соҳиби, бир неча бор вилоят турнирла-

онлиқни қўлга киритган бўлса, шогирдларидан Паризода Шерматова олтин, Фарангиз Шодиева кумуш, Санжар ва Далер Каримов бронза медаллари соҳибиган айланди.

Зайнура нафақат спортдаги ютуқлари, балки намунали хулқи ва одоби билан ҳам барчанинг эътиборини қозонган. Рус ва инглиз тилларини чуқур ўрганапти. У келажакда ҳуқуқшунос бўлиш истагида. Шунингдек, спорт орқали мустақил юртимиз байроғини халқро ареналарда бандан кўтаришни мақсад қилган.

Фарида АКЗАМОВА,
Самарқанд шаҳар 31-ўрта мактаб директори

Зайнура

ёхуд бобога муносиб набира


ри голиби ҳисобланади.

Мен «Исми жисмига мос» деган иборани Зайнурага нисбатан ишлатгим келади. Зайнура-арабчада нурли маъносини беради. Зайнура юзларидан нур, зиё, ҳаракатларидан шижоат, ғайрат ёғилиб турадиган қиз. Бобоси Тешабой ота сингари бир ишни бошласа, охирига етказмасдан қўймайди. Олти ёшидан фудокан-каратэ билан шугулланишни бошлаган шогирдимнинг спорт майдонида дадил одимлашига бошида ота-онасининг кўзи етмаганди. Икки-уч кун бориб, қийинчиликларга дош беролмай, спортни ташлаб кетади, деб ўйлашган ҳам эди. Бироқ ҳаммаси ўзгача бўлди.

Бугун Зайнура — чемпион. Яна мураббий ҳам. Шу йил бошида мураббийлик лицензиясини қўлга киритди. Шогирдларидан уч нафари март ойида Пайарикда ўтган вилоят мусобақасида совриндор бўлди. Тешабой Асадов хотира турнирида ўзи 14-15 ёшли қизлар ўртасида юқори ката ва жамоа кумитэ бўйича қўш чемпи-

Шахматчиларга совға

Денов шахмат мактабида тарбияланган Райҳон Дониёрова охириги йилларда республика миқёсида ўтказиб келинаётган барча мусобақаларда муваффақиятли иштирок этмоқда. Жумладан, у яқинда бўлиб ўтган «Баркамол авлод» ўйинларининг шахмат мусобақасида фаол иштирок этиб, умумжамоа ютуғига муносиб ҳисса қўшди.




Термизлик Ирода Ибрагимованинг номи ҳам муҳлисларга яхши таниш. Анчадан бери шахмат билан жиддий шугулланаётган Иродага 2011 йил омадли келди. У Ўзбекистон чемпионати 1-лигаси голиби бўлди. Ирода ҳозирда сурхондарёлик хотин-қиз шахматчилар орасидан баҳсларида иштирок этмоқда.

Ҳар икки шахматчи қизни қўллаб-қувватлаш ва меҳнатини рағбатлантириш мақсадида вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан вилоят шахмат федерацияси ҳомийлигида «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими маблағи ҳисобидан биттадан «Ноутбук» совға қилинди.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ishonch» мухбири

Жисмонан бакуват, маънан баркамол



Тиришқоқ қиз ишончини оқлади. Кўп ўтмасдан 2001 йил таэквон-донинг WTF йўналиши бўйича болалар ва ўсмирлар ўртасида вилоят очик биринчилигида 28 кг. вазнда 1-ўринга сазовор бўлди. Шундан сўнг унинг зафарли одимлари бошланди. 2003 йилда «Авлодлари соғ-

Фаргона вилоятининг Ўзбекистон туманида туғилган Орифа Худайбердиева 9 ёшидан таэквон-до билан шугуллана бошлади. Ундаги қизиқлини сезган ота-онаси барча шароитларни яратиб берди.

лом юртининг келажак порлоқдир» шиори остида ўтказилган туман биринчилигида 33 кг. вазнда 1- «djun-ri taekwon-do» бўйича анъанавий Тошкент шаҳри биринчилигида ҳам 1-ўринга лойиқ топилди.

Орифа ҳозирда Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факултетида ўқиш билан бир қаторда, спорт мусобақаларида ҳам фаол. «Djun-ri taekwon-do» бўйича халқро «КАМСА» дивизионида 2-ўрин, Наврўз


байрамига бағишланган халқро мусобақада 1-ўринни эгаллагани бунинг яққол исботидир.

— Айнан таэквон-дони танлашимда ота-онамнинг ҳиссаси катта бўлган, — дейди Орифа Худайбердиева. — Машғулотларни қолдирмаслигимни тайинлаб, ўзлари келиб назорат қилишлари, менга руҳан куч бағишлайди.

Содиқ ЭШМАМатов,
ЎЗМУ талабаси

АҚШнинг Аризона штати шерифи Ларри Девер штат ҳудудида содир бўлган сўнги ёнғинлар тўғрисида журналистларга интервью берар экан, айбни контрабандистларга юклади.

Ёнғинга контрабандистлар айбдор



Унинг айтишича, ёнғин ўчоқлари бево-сита Мексика чегараси яқинида аниқланган. Ларри Девернинг маълумотига қараганда, чегарага яқин ушбу ҳудудда фақат контрабандистларни учратиш мумкин.

Ўтган шанбада Аризона штати сенатори Жон Маккейн ўрмон ёнғинларига Мексикалик ноқонуний муҳожирлар айбдор, деб эълон қилган эди. У муҳожирлар исиниш ва шерикларига узокдан ишорат бериш учун гулханлар ёқишган, деган фикр-ни илгари сурганди. Маккейннинг бу айблови қонун ҳимоячиларида норозилик уйғотган эди.

Жорий йил ўрмон ёнғинлари борасида Аризона штати тарихидаги энг жиддий ва муаммога тўласи бўлди. Ёнғинлар оқибатида 100 гектардан ортиқ ер кул барханларига айланиб, 11 мингга яқин аҳоли ўз уйларини ташлаб кетишга мажбур бўлди. Офат туфайли қўрилган зарар эса ҳали эълон қилингани йўқ.

Суюнчига... 2 миллион доллар!

Хитойнинг энг бой тадбиркорларидан бири, «Henderson Land Development» дастурий таъминот ишлаб чиқариш фирмасининг раҳбари Ли Чжаоцзи олтинчи невараси тугилиши шарафига ўз хизматчиларига мукофот тарзида 2 миллион доллар улашишга қарор қилди.



Тадбиркорнинг матбуот вакили айтишича, фирмада фаолият юритувчи 500 нафар киши мукофотдан баҳраманд бўлади.

Мукофот ҳажми ҳар бир кишига 10 минг Гонконг доллари (1,285 АҚШ доллари) миқдорида тўғри келади.

Ли Чжаоцзи «Forbes» журнали тузган миллиардерлар рўйхатида 28 ўринни эгаллаган. Тадбиркорнинг маблағи 19 миллиард долларни ташкил қилади. Ўтган йилнинг октябр ойида ҳам у катта ўғлининг бирданига 3 та эгизак фарзандли бўлгани муносабати билан ўз хизматчиларига 10 минг доллардан «суюнчи» улашган эди.

Япониялик олимлар бир биологик тур тана аъзоларини бошқа бир тур организмда етиштиришнинг янги усулини ишлаб чиқишди.

Японларнинг ғалати таклифи

Тажриба ўтказиш учун Токио университети тадқиқотчилари ген инженерияси ёрдамида ошқозон ости беши бўлмаган сичқонларни яратишди. Сичқон эмбрионлари ривожланишининг илк (бластоциста) босқичида уларга каламушларнинг индукцияланган плюрипотентли таёқчасимон хужайраларини эмлашди.

Сичқонлар тугилиб, ўса бошлаганида эса, уларда танани инсулин билан таъминловчи ошқозон ости безисиз юзага келиши муқаррар бўлган диабет хасталиги кузатилмаган. Текширишлар жараёнида уларнинг танасида деярли тўлиғича каламуш хужайраларидан иборат бўлган ошқозон ости беши мавжудлиги аниқланди. Устига устак, тадқиқот раҳбари профессор Хиромицу Накаучининг Европа инсон генетикаси жамияти конференциясида берган маълумотига қараганда, каламушнинг аъзоси сичқон танасида айнан керакли жойда етишган.


Янги услуб бластоцистик комплементация номини олди. Айни пайтда тадқиқотчилар инсон аъзоларини етиштириш тажрибаларини бошлаш учун рухсат берилишини кутишмоқда.



0,1 мм

«Император пингвини» йўлдан адашди

Фанда «император пингвини» деб аталувчи зотга оид ёш пингвин Антарктидадан узокроққа «саёҳати» пайтида йўлдан адашиб Янги Зеландия қирғоқларига келиб қолди. Ёши тахминан 10 ой деб белгиланган бу қушни ўз ватанидан 3 минг километр узокда — мамлакатнинг Шимолий орол қисмидаги Пека Пека пляжидан маҳаллий аҳоли топиб олган.



эканига гувоҳ бўлишган.

Симпсоннинг фикрича, қуш калмар ови пайтида йўлдан адашиб қолган бўлиши мумкин. Биологлар текширувидан сўнг, ўз саёҳати пайтида дуч келган жиддий жисмоний зуриқишларга қарамасдан, жониворнинг соппа-соғ эканлиги маълум бўлди.

Германияда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик Германия иқтисодиётидаги ривожланиб бораётган тармоқлардан бири ҳисобланади. Ҳукуматнинг барча бўғинлари кичик бизнес корхоналарини ҳам молиявий, ҳам технологик жиҳатдан қўллаб-қувватлайди.

Тадбиркорлик немис халқининг қонқонига сингиб кетган бўлиб, мамлакат аҳолисининг 87 фоизи хусусий тадбиркорлик билан шуғулланади. Шахсий бизнесга эга бўлганлар сони йил сайин ортиб бормоқда. Таҳлилчиларнинг фикрича, Германияда бизнес билан шуғулланган тадбиркор учун Европага «дарча очилар экан». Чунки, Германия тадбиркорларига «кўҳна қитъа» мамлакатларида солиқ ва бошқа мажбуриятларни тўлашда бир қатор имкониятлар яратиб берилган.

Германия ҳукумати томонидан «Кичик ва ўрта бизнес корхоналарига нисбатан илмий-техникавий сиёсатни тараққий эттириш концепцияси» ва «Тадбиркорлик фаолиятини сармоявий рағбатлантириш» дастурлари ишлаб чиқилган. Биринчи дастур кичик бизнесни молиялаштиришга йўналтирилган бўлса, иккинчиси ўз фаолиятини бошламоқчи бўлган тадбиркорларни қўллаб-қувватлашни кўзда тутди. Федерал ҳукуматга бўйсинувчи «Тикланиш бўйича кредит Кенгаши» деб аталувчи махсус давлат идораси эса мазкур икки дастурни ҳаётга татбиқ этиш билан шуғулланади.

Германиянинг Ўзбекистондаги элчиси иқтисод ва иқтисодий ҳамкорлик масалалари бўйича ўринбосари Хольгер Фрайдер мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка берилаётган эътибор тўғрисида шундай дейди:

— Германияда хусусий тадбиркорлар мамлакат иқтисодиётининг таянчи ҳисобланади. Мамлакатимиздаги фирма ва компанияларнинг 97,7 фоизи кичик ва ўрта бизнес ҳиссасига тўғри келади. Кичик бизнес Германияда янгилик эмас. 1870 йиллардаёқ кичик ва ўрта бизнеснинг аҳамияти ва унинг халқ турмуш даражасида тугган ўрнини ўрганишга бағишлаб тадқиқот ўтказилган. Тадқиқот натижаси ўлароқ, кичик ва ўрта бизнес халқ ҳўжалигининг барқарорлик омили деган хулосага келинган.

Германияда ўша даврлардаёқ кичик бизнесга катта эътибор қаратилди. Бунда сиёсий қарашлар эмас, балки иқтисодий нуқтаи назар биринчи ўринга чиқарилди. Айниқса, Иккинчи жаҳон урушидан кейин мамлакатда хусусий тадбиркорларга катта аҳамият қаратилди. Урушдан кейин Германияда «Маршалл режаси» асосида амалга оширилган «иқтисодий мўъжиза» кўпчиликка маълум. Мамлакатимиз раҳбарлари эркин иқтисодиёт, жумладан, бозор иқтисодиёти энг маъқул йўл, деган ақидага кўра иш тутишди.

Шу билан бирга, йирик корхоналарни ривожлантириш тажрибаси ҳам ўрганилди. Биз иқтисодиётда айрим корхоналарнинг монополиясига йўл қўймадик. Иқтисодиётда «агар корхоналар кўп бўлса, нарх сиёсатини ташкил қилиш мумкин бўлади» деган мантиқ асосида иш олиб бордик.

Сайловларда иштирок этган барча сиёсий партиялар кичик ва ўрта корхоналарга турлича муносабатда бўлишларига қарамай, охир-оқибат уларнинг ҳаммаси корхоналар фаолиятини мамлакат иқтисодиётини барқарорлаштиришга ҳисса қўшади, деган хулосага келишди.

Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг қулайлиги шундаки, улар иқтисодиётдаги янгиликларни йирик корхоналарга нисбатан тез ўзлаштириб олади. Шунингдек, уларда инновацион ғояларни зудлик билан ишлаб чиқаришга татбиқ этиш, ишлаб чиқариш жараёнини ҳам зудлик билан ўзгартириш имконияти мавжуд.

Ана шундай афзалликлар, шунингдек,

тадбиркорларнинг ўзаро ҳамкорлиги туфайли бизнинг кичик корхоналаримиз ўтган йиллар мобайнида яхши ривожланиб борди. Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг келажаги янада порлоқ.

Элчи ўринбосарининг сўзларига қараганда, «Кўҳна қитъа» мамлакатлари Европа Иттифоқи номи остида бир-лашганидан сўнг, кичик ва ўрта бизнес тушунчасига бирмунча аниқликлар киритилди. Энг кичик корхонада камида 10 киши ишлаши ва йиллик савдо айланмаси 2 миллион евро миқдорида бўлиши лозим. Кичик корхонада эса 50 киши меҳнат қилиб, йиллик айланма 10 миллион евро бўлиши керак. Шунингдек, ўрта бизнес корхонасида камида 250 киши ишлаб, йиллик савдо айланмаси 50 миллион евро бўлиши шарт.

Германияда кичик ва ўрта бизнес вакиллари асосан савдо, маиший хизмат кўрсатиш ва қурилиш соҳаларида фаолият юритишади. Таҳлилчиларнинг сўзларига қараганда, мамлакатдаги кичик корхоналарнинг самарадорлиги АҚШ ва Японияга нисбатан анча юқори. Бироқ, кичик корхоналар қанчалик тез ташкил топган бўлса, шунчалик тез беркитилиши билан боғлиқ ҳодисалардан ҳам кўз юмиб бўлмайдик. Касодга учраган корхоналарнинг 40 фоизи беш йил ҳам фаолият кўрсатмагани таъкидланади. Бунинг асосий сабаби Германияда рақобат кучли эканлигидир.

Федерал ҳукумат сиёсатида кичик ва ўрта бизнес худди Европа Иттифоқи мамлакатлари сингари ядрони ташкил қилади. Ҳукумат бу корхоналар дунё бозорини ўрганиши ва ўз маҳсулотларини хорижга экспорт қилиши учун керакли ёрдамни аямайди, уларнинг турли халқаро кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этишига кўмаклашади.

Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик масалаларига тўхталган Хольгер Фрайдер, жумладан, шундай деди:


— Германия барча соҳалар бўйича Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишга тайёр. Биз машинасозлик, қурилиш саноати, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қадоқлаш бўйича ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш имкониятига эгамиз. Юртимиз тадбиркорлари учун ҳам айни шу соҳалар қулайдир.

Ўтган йили икки мамлакат ўртасидаги савдо айланмаси 534 миллион евро ни ташкил қилди. Бу 2009 йилга нисбатан 184 миллион еврога ошди, демакдир. Таъкидлаш кераки, Ўзбекистонга экспорт маҳсулотларининг 40 фоизини турли жиҳозлар, электротехника, фармацевтика, оптика маҳсулотлари ва бошқа товарлар ташкил қилади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда германиялик сармоядорлар иштирокида ташкил этилган 133 та корхона фаолият юритмоқда. Булардан 28 таси тўлиқ Германия капитали ҳисобига ташкил этилган. Ушбу корхоналар асосан енгил саноат, тиббиёт воситалари ва фармацевтика препаратларини ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, юк ва йўловчи ташиш хизмати ҳамда автохизмат, илмий тадқиқотлар, савдо соҳаларини қамраб олган. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузурида Германия Федератив Республикасининг 57 та фирма ва компаниялари ваколатхоналари акредитациядан ўтган.

Шарофиддин ТўЛАГАНОВ

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан 2010 йил 5 ноябрда Эшматов Бурҳон номига берилган № 1643 рақамли адвокатлик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.



○ Рассом ижодига назар

Тоғни иккига бўлган Амир Темур дарвозасидан ўтар экансиз, табиат мўъжизаси олдида ҳайрат бармоғини тишлаб қоласиз. Катта тарихни яшириб ётган бу икки қояни хаёл кўзгуси билан жуда кўп нарсаларга ўхшатгингиз келади. Ҳамроҳим, иқтидорли рассом Темур Саъдулла унга шундай таъриф беради:

«Йўлбарслар бир-бирига интилади...»

— Улар бир-бирига интилаётган йўлбарсларни эслатади, — дейди виқор билан кўкка интилган қояларга нигоҳини тикиб. — Умрим давомида не юртларда бўлдим, лекин бундай манзарани ҳеч кўрганам йўқ. Хаёлимда қоялар тунда ҳам нур сочаётгандек. Ёмғир ёғаётган пайтда бир хил, қор ёққанда бошқача кўёш чиққанда яна бир тусда товланади. Худди камалак ранги дейсиз.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги музейи бош рассоми Темур Саъдулланинг бу сўзларидан англадимки, у табиатнинг барча кўринишларидан маъно ва мазмун ахтаради. Кейин қалбида асраб юриб рангтавирда гавдалантиради. Рассомлик оддий одамлар эътибор бермайдиган чизгиларни илгай олиш, уларнинг замирига фикр ва маъно юклаш санъати эканлигини ўзининг 40 йилдан ортиқроқ мусаввирлик фаолиятида кўп кўрган.

У Фаллаорол туманидаги «Қангли» қишлоғида туғилиб вояга етди. Ўтган асрнинг олтинчи йиллари ўрталари эди. Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманида пахта тераётган ўқувчилар дала шийпонининг оқланган деворида чизилган Алишер Навоийнинг ёрқин расмини кўриб қолишади. Оппоқ девордан ўсмирларга нигоҳ ташлаб турган шоирнинг ички дунёси жуда яхши акс этган эди. Ўқитувчи Темурдан сўрайди:

— Бу сенинг ишингми?

Мураббийнинг важоҳатидан ҳадиксираган Темур гуноҳқорона:

— Кечиринг, муаллим, деворнинг оппоқлиги шу расмни чизган, дегандай бўлаверди, дўкондан бўёқ олиб келиб... Ҳар ҳолда Навоий бобомиз кўзимизга ташлаиб тургани яхшида...


— Бу ишинг учун эртага сенга дам олишга рухсат бераман...

Ўшанда Темур ўзи танлаётган касб нақадар улуғ эканлигини қалбдан ҳис қилди. Мактабни тугатгач, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг бадиий графика факультетида ўқишга кирди.

Кейинчалик билдики, рассомлик касб эмас, балки қисмат, ижод, илҳом экан.

— Ҳаётда яратиш керак бўлган туйғуни қалбингда кўтариб юраверсан, — дейди рассом. — Чизишга туртки бўладиган ҳолатни кутасан, ўшани топгандан кейин ижодхонага келиб ишлайсан, хаёлинг, фикринг образ билан банд бўлади, юрагингга бошқа ҳеч нарса сиғмайди, асар битгач, кўнглинг жойига тушади. Енгил нафас оласан...

1970 йилда устози, Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Аҳмаров билан бирга Самарқанд шаҳридаги «Юлдуз» саройини безашга боргани эсимда... Бу сарой Мирзо Улугбекнинг расад-



хонаси олдида, Кўҳак тепалигида қурилган эди. Темурбек кўлига мўйқалам олар экан, Улугбекни хаёлида жонлантирарди, қулоғида сахнада сиймосини яратган Шуккур Бурхоннинг «Мирзо Улугбек» фожиасидаги «Ферузам...» деган титроқли сўзлари янграб кетарди. Ишдан бўш пайтлари устози билан Самарқанд шаҳрини кезишар, халқимизнинг бебаҳо дурдоналари бўлган осори-атиқаларнинг нураб бораётганига ачинишарди. Аждодлар армонини амалга ошириб, шундай муҳташам саройини беаётганларидан фахрланишарди.

Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида, Алишер Навоийнинг 570 йиллиги нишонланаётган дамларда Темур Саъдулланинг 30 дан ортиқ картинаси Ўзбекистон Бадиий академиясининг дипломи ва мукофоти билан тақдирланди. «Аждодларни эслаб» деб номланадиган кўргазма асосини Алишер Навоий, Камолитдин Бехзод, Мирзо Бобур сиймолари, уларнинг яратган асарлари ташкил қилди. Айниқса, Алишер Навоийнинг «Хамса»сидаги «Саббаи сайёр» достони асосида яратилган композиция кўпчиликида яхши таассурот қолдирди.

Қарангки, «Саббаи сайёр» асарини қайта-қайта ўқиб, олимлардан маслаҳат олиб, унинг сиймосини яратган атоқли ўзбек рассомларининг асарларига мурожаат қилавергач, устахонада хиёл уйқуга кетганда ҳазрат Навоий кўриниш берди. Достондаги Баҳромшоҳ, етти гўзалнинг ранглари изҳор этди... Рассом чўчиб уйғонди, ранглари эслаб қолиш, оҳорини тўкмаслик учун холст — рангтавир учун махсус тайёрланган матога апил-тапил чиза бошлади... Рухида енгиллик, вужудида бошқача ғайрат пайдо бўлди.

— Мени ўшанда картинадаги изҳор этилиши керак бўлган ранглар уйлантирар эди, — дейди рассом. — Достонда баён этилган воқеаларга мос ранг топиш зарур эди. Энг аввало, холстларни етти хил рангга бўядим. Навоий бобомиз достонларида баён этган туйғуларни, чизгиларни сингирдим. Кўргазмани томоша қилганлар «оригинал асар яратибсиз, рангларни тўғри танлабсиз» дейишди. Абдулла Орипов айтганидай «ташна бу руҳимга» ранг бўлиб кирди, Навоий бобомнинг

орзулари! Навоий бу асариде эзгуликни, халқлар ўртасидаги дўстликни куйлаган, муҳаббатни, қўйингки, «инсон зурриётига не бўлса жоиз» ҳаммасини куйлаган! Мен мана шу туйғуларни чизолганимдан бахтиёрман.

Темур Саъдулла юксак салоҳиятга, иқтидорга эга бўлган рассом. Унинг асарлари Россия, Голландия, Покистон каби давлатларда намойиш этилиб, муносиб баҳосини олган. Рассомнинг асарларини томоша қилар экансиз, сиймолар сиз билан суҳбатлашаётгани, пейзажлар бағрига чорлаётганини ҳис этасиз. Республикаимизнинг барча ҳудудларида у яратган асарлар бор, десак хато қилмаймиз. Бухородаги «Афшона» чойхонаси деворига ишланган суратлар, халқ эпоси «Алпомиш» туркумида яратган асарлари ҳақида қанча гапирсак оз. Миниатюралари, китобларни бадиий безаш борасида эришган муваффақиятлари ҳам анчагина.

Темур Саъдулла XXI аср кулиб боқди. 2000 йилда «Йилнинг энг яхши рассоми» номинациясида ғолиб чиқиб «Офарин» мукофотида сазовор бўлди. 2008 йилда Ўзбекистон Бадиий академиясининг кумуш медали билан тақдирланди.

— Асар бирданига юзага келмайди, — дейди у. — Аждодлар меросига эҳтиром бизнинг қонимизда бор. Отам раҳматли қачон қарасам Навоийни, Бобурни ўқиб ўтирган бўларди. Уйимиздаги кутубхонада ўзбек халқ эртақлари, достонлари бор эди. Акам Амир Файзулла таржима соҳасида меҳнат қилади. Ҳиндистон киночилари яратган «Сангам» фильмини ўзбекчалаштирган. Фарзандим Жаҳонгир ўзим билан бирга рассомлик сирларини ўрганаётти, — дейди рассом. — Бу гапларни айтишдан мақсад аждодлар кўмағига таяниб, бугунги замондошимизни қизиқтирган туйғуларни изҳор этиш... Мана шу бизга илҳом беради, нурли соҳилларга элтади.

Пардабой ТОЖИБОВ,
Ўзбекистон Журналистлар
ижодий уюшмаси «Йилнинг энг
фаол журналисти» совриндори

Газетанинг навбатдаги сони 28 июн,
сешанба куни чиқади.



oliy baxt

МУАССИС:

Ўзбекистон касаба
уюшмалари
Федерацияси

Бош муҳаррир:
Абдухолиқ
АБДУРАЗЗОҚОВ

Тахрир ҳайъати:

Normamat ALLAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Muhammad Ali AHMEDOV,
Oksana BELAUSOVA,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Baxtiyor MAHMADALIYEV,
Sog'indiq NIYETULLAYEV,
Eson RAJABOV,
To'liqin TESHABOYEV,
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas'ul kotib),
Anvar YUNUSOV

Бизга кўнгирак қилинг:

Котибият: 256-52-78
Хатлар бўлими: 256-85-43

Вилоят муҳбирлари:

Андижон + 99897 465 05 68;
Бухоро + 99893 653 50 81;
Жиззах + 99872 360 00 10;
Навоий + 99893 725 46 40;
Наманган + 99897 491 79 27;
Самарқанд + 99866 933 25 04;
Сурхондарё + 99897 458 05 07;
Фарғона + 99891 679 32 79;
Қашқадарё + 99897 414 30 78
Қорақалпоғистон Республикаси
ва Хоразм + 99862 562 56 75;

2007 йил 11- январдан Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютеризда терилди ва сақланган. Офсет
усулида босилди. Бичими А-3.Ҳажми 4 босма табоқ.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,
«Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газета ҳафтанинг
сешанба, пайшанба
ва шанба кунлари чиқади.

Сотувда эркин нархда

Муаллифлар фикри тахририят
нуқтаи назаридан
фарқланиши мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда
«Ishonch»дан олинганлиги
кўрсатилиши шарт.
Тижорат аҳамиятига молик
материаллар h белгиси остида
чоп этилади.

E-mail: [Ishonch
2011@gmail.com](mailto:Ishonch2011@gmail.com)

«Шарқ» нашриёт-
матбаа
акциядорлик
компанияси
босмахонасида
чоп этилди.
Қорхона манзили:
«Буюк Турон»
кўчаси, 41-уй.
722030500004

ISSN 2010-5002



Навбатчи муҳаррир:

Ф.Мамашарипов

Навбатчи:

А.Арслонов

Мусахҳих:

С.Шодиева

Саҳифаловчи-
дизайнер:
Ҳ.Абдужалилов

Босишга топшириш
вақти - 02.15
Топширилди - 03.00

Буюртма Г— 651

Тиражи: 19766

1 3 4 5